

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

НУРИДДИНОВ НАВРЎЗ АБДУЛЛАЖОНОВИЧ

СИНЕРГЕТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: фалсафа фанлари номзоди,
доцент в.б. Д.М.Бозоров**

ТОШКЕНТ-2013

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	
1 БОБ.	СИНЕРГЕТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ
	1.1. Синергетика тушунчасининг мазмуни.....
	1.2. Ижтимоий синергетиканинг намоён бўлиш шакллари...
2 БОБ.	ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ СИНЕРГЕТИК ТАДҚИҚИ
	2.1. Синергетикада ижтимоий-фалсафий муаммоларни қайта англаш зарурати.....
	2.2. Синергетика - маданий муносабатларни янгича тушуниш ва тушунтиришнинг муҳим усули.....
3 БОБ.	СИНЕРГЕТИКА ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАДРИЖИЙ ЙЎЛИ.....
	3.1. Фуқаролик жамиятини тадқиқ этишга синергетик ёндошув.....
	3.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг фалсафий- синергетик таҳлили.....
ХУЛОСА	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда ҳар бир мустақил давлат ўзига хос ривожланиш йўлини танлаган. Мустақил Ўзбекистон ҳам ўзига хос тараққиёт йўли, яъни, эволюцион юксалиш концепцияси асосида яна-да ривожланиб бормоқда. Бу концепцияни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда беқарор жамиятни барқарор ҳолатга келтиришда Президентимиз Ислом Каримовнинг саъи-ҳаракати, ақл-заковати ҳал қилувчи катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, “Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч – ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак”¹. Бизнинг назаримизда ҳам мамлакатимиз раҳбари айнан шундай йўналтирувчи таклиф ва тавсияларни берган ҳолда жамият тараққиётини янада барқарор аҳамият касб этишида жонбозлик кўрсатди. Бироқ, бундай барқарорлик тасодифлар асосига қурилмаган. Балки, бу борада кўпгина ислохотлар амалга оширилган. Шунинг учун ҳам бундай мураккаб ўзгаришларни синергетика принципларига асосланган равишда таҳлил қилиш муҳим методологик аҳамиятга эга. Чунки, айнан синергетика нафақат табиатдаги ўзгаришлар жараёнини балки жамиятдаги ўзига хос эволюцион ўзгаришларни ҳолисона ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда табиатшуносликда тобора кўпроқ тадқиқотлар янги илмий парадигма – синергетикага бағишланмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўтган XX аср охиридан бошлаб синергетиканинг ижтимоий фанлар соҳасига ҳам кенг тадбиқ этишга бўлган уринишлар кузатилмоқда. Бугунги кунда эса, биз синергетик парадигмани тадқиқ этиш ижтимоий фанларда ҳам муҳим ўринлардан бирини эгаллади, деб бемалол айта оламиз. Дарҳақиқат, синергетиканинг концептуал асосларига оид илк фикрларни И.Пригожин ва И.Стенгерс, Г.Хакенларнинг асарларида кўришимиз мумкин. Мазкур асарлари орқали бу олимлар ижтимоий ҳодисаларни улар таклиф этган

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 76 б.

синергетик ёндашув нуқтаи назаридан таҳлил қилишга даъват қилмаган бўлсаларда, уларнинг издошлари бу муаммони ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Тўғри, И.Пригожин ва Г.Николис синергетикани ўзгарувчиларнинг ноаниқлиги (масалан, “ҳаёт сифати”) туфайли ижтимоий жараёнларни таҳлил қилишда қўллаш мушкул эканини; “...мазкур тизим модда, энергия ва ахборот алмашинувини амалга оширадиган ғоят кескин ташқи муҳит”ни ҳисобга олиш зарурлигини; инсонда “ўзига тегишли лойиҳалар” ва “ўзига тегишли истаклар” мавжудлигини таъкидлаган бўлсаларда, уларнинг бу масалага жиддий қаршилиқ кўрсатмаганлигини билиб олиш қийин эмас албатта¹.

Умуман олганда, ижтимоий ҳодисаларга синергетик ёндашув кенг тарқалганига қарамай, ҳозирда у кўпроқ фалсафий адабиётлар доирасида қолиб кетяпти. Бу ҳол ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг умумий назариясини жамиятга татбиқ этишдан аввал, мазкур назариянинг асосий тушунчалари тизими ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини тўғри аниқлаб олиш зарурлиги билан изоҳланади. Буни аниқ фанлар услубиётини ўзлаштирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Аввало, синергетиканинг асосий муаммоси тартиб ва хаос (тартибсизлик) ўртасидаги ўзаро муносабатлар эканини тушуниш лозим. Бизга маълумки, турли шакллардаги тартиб ва тартибсизликлар беқарор бўлиб, улар бир-бирига ўтиб кетишга мойил: ҳали у ерда, ҳали бу ерда тартибли тузилмалар тартибсиз тузилмаларга айланиб қолишини (тартиб хаосга ўтади) ёки тартибсиз тузилмалар тартибланиб қолишини (хаос тартибга ўтади) кузатиш мумкин. Шунга эътибор қаратиш лозимки, бундай ўтишлар айрим тартибли тузилмаларнинг бошқа тартибли тузилмаларга ўтиши ва худди шу тарзда, тартибсиз тузилмаларнинг бошқа тартибсиз тузилмаларга ўтишига нисбатан анча мустаҳкам характер касб этади.

¹ Пригожин И., Николис Г. Познание сложного. Серия: Синергетика: от прошлого к будущему ЛКИ 2008. 354с.

Тадқиқот мазуининг долзарблигини янада қуйидагилар билан ифодалаш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий синергетика (социосинергетика) ижтимоий воқеликнинг мумтоз назарияларда иккинчи даражали ва тасодифий деб саналадиган жиҳатларига ўз диққатини қаратади, ваҳоланки, улар инқирозли шароитларда, айниқса, бифуркация ҳолатида ҳал қилувчи пировард рол ўйнаши мумкин.

Иккинчидан, ижтимоий синергетика ўзида ижтимоий-гуманитар фанлардаги энг мазмунли ва истиқболли йўналишлардан бирини ифодалайди, шу тариқа, ижтимоий ўзгаришларни ўрганиш учун янги эвристик (мантиқий) имкониятларни очади.

Учинчидан, айнан ижтимоий синергетика чизиқли, бир йўналишли ўзгаришларни қоидалаштирадиган ижтимоий эволюцияларнинг илгаридан маълум концепцияларини тубдан янгилайди.

Тўртинчидан, ижтимоий синергетика ҳозирги замонда кескин жадаллашиш тартибида ўсиб бораётган локал хавф-хатарларни ва эвентуал (маълум, қулай шароитда юз бериши мумкин бўлган) глобал бифуркацияни анча чуқур, тўғри тушунишга ёрдам беради. Бу, айниқса, мураккаб ночизиқли вазиятларда ислохотлар сиёсатини олиб бораётган ислохотчилар учун ва уларнинг бошқарув қарорлари объекти ҳисобланган жамият учун муҳимдир. Чунки, бундай беқарор вазиятда кичик флуктуациялар локал социумда ҳам, шунингдек, дунё ҳамжамиятида ҳам фожиавий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Юз бериши мумкин бўлган фалокатлардан қутилиш учун, ёпирилиб келаётган хавф-хатарлардан огоҳлантирувчи ғоя, стратегия ва усулларга эга синергетик билимлар керак.

Шу нуқтаи-назардан қараганда синергетик ғоялар инсоният тамаддунининг келажаги ҳақидаги баҳс-мунозарлар ривожига янгича маъно-мазмун бахш этади ва бир вақтнинг ўзида, бифуркация нуқтасида оқилона танловга умид уйғотади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Синергетика ниҳоятда ёш фан йўналишидир. Унинг шаклла-ниши ва ривожланишига бағишланган кўпгина мақолалар, моногра-фиялар чоп этилган. Синергетикани асосини табиий-илмий фан ташкил этади. Янги илмий йўналишни Г.Хакен «синергетика» деб атади. Синергетика грекча сўз таржимаси «ўзаро ҳамкорлик, ўзаро мувофиқлашганлик»ни билдиради.

Ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг илмий адабиётларда бир қанча номлари мавжуд. Синергетикага турлича таъриф бериш мумкин. Германияда – синергетика, фаранг тилида иш юритувчи давлатларда – диссипатив структура, Бельгия илмий мактабида Нобел мукофоти лаурати И.Пригожин раҳбарлигида олиб борилади. АҚШда эса – динамик хаос деб аталади. Динамик хаос турли хил тизимларда борлиги аниқланди. Хакеннинг фикрига кўра, синергетика физикада очик нозизиқли тизимларни ўрганишдан бошланди. Лекин синерге-тика физикавий назария эмас, балки структуравий ўзаро боғланиш-ларнинг назарияси бўлиб, математика тилида ва вербал даражада сифат жиҳатдан тушунтирилиши мумкин. Абстракт ёндошув сабабли синергетика ижтимоий, иқтисодий, социология, руҳшунослик фанларида ҳам умумий тамойилларни қўллаш мумкин.

Бундан ташқари, синергетика концепцияларини илмий тадқиқ ва татбиқ қилишда МДХ давлатларида хусусан, Россия олимлари томонидан Санкт-Петербург, Саратов, Белгород, Томск, Иркутск каби шаҳарларда “Синергетика жамиятлари” тузилиб, уларда В.С.Степин ва Н.Н.Моисеев, С.П.Капица, С.П.Курдюмов, Г.Г.Малинецкий, А.П.Назаретян, В.В.Косарев каби олимлар томонидан бир қанча илмий изланишлар олиб борилиб, бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилди¹.

¹ Қаранг: Моисеев Н. Н. Логика динамических систем и развитие природы и общества // Вопросы философии. 1999, № 4. – С. 3-10.; Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего. Изд. 2-ое. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 288 с. Назаретян А.П. Синергетика в гуманитарном знании: предварительные итоги // Общественные науки и современность 1997. № 2. – С. 91-98. Косарев В.В. Синергетическая философия и научное прогнозирование // Материалы Второй научной конференции Союза ученых СПб.: 2002. – С.52-53.

Бифуркация, флуктуациялар, аттрактор, диссипатив система каби тушунчалар синергетика ноқизиқли, очик, мувозангасизлик каби жараёнларнинг методологиясидир. Тартибсизлик ва тартиб тўғрисидаги ғоялар ўтмиш мутафаккирлар томонидан ҳам айтилган. Ж.Румийнинг сўзларини эсласак бўлади, «инсоният ўзининг мукаммал эмаслигини сезади ... у мукаммалликка барча усуллар билан интилади, фақатгина муҳаббат ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради». Тартиб ва тартибсизликнинг бири-бирига муносабати, тартиб-сизлик янгиликни асоси бўлишини Ницше ҳам ёритган, яъни «ер силкиниши – кўпгина қудуқларни кўмиб ташлайди ва чанқоқликни пайдо қилдиради, лекин шу билан унинг ўзи ички куч ва сирларни юзага келишига сабабчиси бўлади. Ер силкиниши янги чашмаларни очади. Эски халқларга зарар етказилса, янги чашмалар пайдо бўлади»¹.

Синергетика доирасида тадқиқотларнинг Ўзбекистон файласуфлари томонидан ўрганилиши масаласи. Кўп йиллардан буён Ўзбекистонда ҳам синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари турли ёндашувлар асосида ўрганилмоқда. Бу борада О.Файзуллаев, М.Абдуллаева, Б.Каримов, Н.Шермухаммедова, Е.Д.Каменов, Р.М.Имамалиева, Б.Тўраев, З.Давронов, К.У.Утуров, Э.М.Иззетова, К.М.Алиева, Ш.Қаҳҳорова, И.Раҳимов, А.Ўтамуродов ва бошқа олимларнинг ишлари эътиборга моликдир². Мазкур

¹ Ницше Танланган асарлар. Т.2. м., 1990. –Б.153.

² Қаранг: Файзуллаев А.Ф. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006.; Абдуллаева М.Н. Синергетика - новые возможности познания и действия // Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар: (илмий мақолалар тўплами) / Таҳрир ҳайати: М.Н.Абдуллаева ва бошқа. - Наманган: НамДУ, 2009.; Абдуллаева М.Н. Философия случайности // Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари: илмий анжуман (илмий мақолалар тўплами) / таҳрир ҳайъати М.Н.Абдуллаева ва бошқ. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Наманган Давлат ун-ти, ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. - Наманган: Наманган нашриёти, 2010.; Абдуллаева М.Н. Концепция развития и принцип самоорганизации // Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа фанларининг долзарб муаммолари. – Тошкент: 1998.; Абдуллаева М.Н. Национальная идея в контексте синергетики // Миллий истиқлол ғояси ва мафқураси, фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлари. – Тошкент: 2001.; Каримов Б. Эманация концепцияси ва ҳозирги замон илмий дунёқараши. – Тошкент: ТДТУ, 2001.; Шермухамедова Н.А. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления и его методологическое значение: Дис. ... д-ра филос. наук. – Ташкент: АН РУз, Ин-т философии и права им. И.М. Муминова, 2002.; Каменов Е.Д. Принцип самоорганизации и его роль в познании системы "Природа-Общество": Дис. ... канд. филос. наук. – Ташкент: АН РУз, Ин-т философии и права им. И.М. Муминова, 1994.; Имамалиева Р.М. Природа связи и форма её проявления. Дис. д-ра филос.н. – Ташкент.; 1990.; Тураев Б.О. Философское обоснование концепций о развитии пространственно-временной структуры бытия (онтологические и гносеологические аспекты: Дис. ... д-ра филос. наук; АН РУз, ин-т филос. и права им.И.М.Муминова. – Ташкент.: 1994.; Давронов З. Принцип детерминизма и его роль в научном познании (Методолого-мировозренческие

олим ва файласуфларнинг қарашларида синергетиканинг фалсафий хусусиятларини ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ, уларда синергетиканинг ижтимоий-маданий хусусиятлари таҳлили махсус илмий тадқиқот мавзуи сифатида ёритиб ўтилмаган. Шу боисдан малакавий битирув ишида синергетик парадигмани тадқиқ этиш борасидаги илмий тадқиқот ишларини илмийлик асосида ўрганиш, айниқса унинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини атрофлича таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Синергетиканинг ижтимоий-маданий жараёнларга оид қонуниятларни фалсафий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- синергетика ва ижтимоий синергетика тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини ўрганиш;
- ижтимоий синергетиканинг намоён бўлиш шакллари таҳлил этиш;
- синергетикада ижтимоий-фалсафий муаммоларни қайта англаш заруратини аниқлаш;
- синергетика - маданий муносабатларни янгича тушуниш ва тушунтиришнинг муҳим усули эканлигини асослаш;
- фуқаролик жамиятини тадқиқ этишга синергетик ёндошувни таҳлил қилиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг фалсафий-синергетик таҳлиliga доир илмий хулоса ва аниқ амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Ижтимоий-маданий жараёнларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш тизими.

аспекты): Дис. ... д-ра филос. – Ташкент: Ташк. финансовый ин-т, 1999.; Иззетова Э.М. Проблема взаимоотношения научного познания и гуманистических идеалов. Дис. д-ра филос.н. – Ташкент.: 2002; Алиева К.М. Философско-синергетическое исследование проблемы сложности в современном научном познании: Дис. ... д-ра философ. наук. – Ташкент.: НАН РУз, Ин-т философии и права им. И.М.Муминова, 2006; Синергетиканинг фалсафий масалалари. – Тошкент: Университет нашриёти, 2005.

Тадқиқотнинг предмети. Синергетиканинг ижтимоий-маданий жараёнларга оид ўз-ўзини ташкиллаштириш қонуниятларини ўрганиш ва илмий-назарий таҳлили.

Тадқиқотнинг методлари. Обьективлик, системалилик, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, ворисийлик, умуминсонийлик ва миллийликнинг ўзаро бирлиги, герменевтик, қиёсий таҳлил кабилардир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги - илмий манбалардаги мавжуд фикрларга таянган ҳолда синергетика ва ижтимоий синергетика тушунчаларининг алоқадорлиги, уларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ёритилди;

- фалсафа ва фанда ижтимоий синергетика шаклланишининг объектив ва субъектив омиллари, замонавий илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари, тенденциялари ва тамойиллари асосида аниқланди;

- ижтимоий синергетиканинг такомиллашувида маданий тараққиёт ғояларни ўзига хос аҳамият касб этиши асосланди;

- ижтимоий-маданий муносабатларни ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнига оид мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди;

Ишнинг синовдан ўтганлиги: Малакавий битирув иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг Фалсафа факультети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасида бажарилган ва муҳокама этилиб (-----, баённома №2), ҳимояга тавсия этилган.

Малакавий битирув иши натижаларининг эълон қилинганлиги. Малакавий битирув ишида баён этилган илмий-назарий хулосалар ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан нашр этилган жами 2 та республика илмий-назарий конференцияларидаги маърузаларида ўз аксини топган.

Малакавий битирув ишининг тузилиши ва ҳажми. Малакавий битирув иши «Кириш», уч боб, олти қисм, «Хулоса» ҳамда «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат.

I.БОБ. СИНЕРГЕТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

1.1. Синергетика тушунчасининг мазмуни

Фаннинг методологик таҳлилидан маълумки, аввал мавжуд бўлган бир фан методининг бошқа фан методига кириши билан тавсифланадиган, икки фан туташган жойда вужудга келган янги фанлардан фарқли ўлароқ, синергетика турли фанлар чегара нуқталарига эмас, балки ички нуқталарига таянган ҳолда вужудга келади ва улар билан нолга тенг бўлмаган нуқталарда кесишади. Шунингдек, айнан синергетика ўрганувчи тизимлар, тартиб ва ҳолатларда физика, биология, кимё, математика каби фанларда ўз материални кўради, уларнинг ҳар бири ўз фанининг усуллари кўллаб, синергетик ғоя ҳамда усуллари умумий заҳирасини бойитади.

Ҳозирги вақтда цивилизациянинг янги технологик қиёфасини шакллантиришда табиатшунослик фанларининг роли кескин ошди. Булар жумласига физика, кимё, биология, ирсий инженерия, молекуляр физиология ва бошқа бир қанча йўналишларни киритиш мумкин. Бу фанларда қўлга киритилган ютуқлар эса ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат ва фармацевтика саноатида жуда жиддий ислохотлар олиб боришга шарт-шароит яратмоқда. Жумладан, илғор илмий ишловларга асосланган технологияларни ишлаб чиқувчи ва улардан фойдаланувчи фирмаларнинг инновацион ва ишбилармонлик фаоллиги кескин ошди. Мазкур фанлардаги янги технологияларни яратиш ва такомиллаштириш энг даромадли тижорат турларидан бирига айланди. Масалан, биофизика билан ўсимликлар физиологияси туташган жойда ўсимликларнинг физиологик ҳолатини экспресс – диагностика қилиш методи ишлаб чиқилди. Тиббиётда, жумладан, пластик ва косметик хирургияда лазер нуридан фойдаланиш билан боғлиқ бир қанча ишловлар яратилди.

Бугунги кунда синергетиканинг жадал ривожланиши ҳам кузатилмоқда. Синергетика нафақат табиатшунослик фанларининг балки ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам мустақил соҳасига айланмоқда. Ҳозирги замон фанлари мураккаб тузилишга эгалиги билан тавсифланади. Чунки, фандаги экспериментал ва назарий методлар жуда мураккаблашди. Масалан, синергетика соҳасидаги ҳозирги маълумотлар базаси тарихан шаклланган билимлар йиғиндисига, уларни таснифлаш ва туркумлашга таянсада, баъзи масалаларда мутлоқо янги ёндашувларни таклиф этмоқда. Уларнинг орасида энг янгилари сифатида ночизиқлилиқ, ўз-ўзини ташкиллаштириш, бифуркация, флуктуация, аттрактор, диссипатив тизимларни қайд этиб ўтиш мумкин.

Илмий табиатшуносликнинг ривожланишида синергетика муҳим рол ўйнади. У ўз предмети ва методологиясининг баъзи бир хусусиятларига кўра табиат ҳодисаларини билиш муаммолари билан уларни ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи-назаридан ҳам қабул қилиш муаммоларини яқинлаштириш имконини берди. Айнан соф синергетик экспериментлар натижасида бир қарашда ҳақиқатдан узоқ ҳодисалар илмий жиҳатдан ўрганишга муваффақ бўлинди. XX асрнинг иккинчи ярми жаҳон фанида бутун дунё ҳамжамиятининг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборган иккита катта кашфиёт билан тавсифланади. Булардан, биринчиси кашфиёт – аниқланган системалар фаолиятининг маълум соҳаларида квазистохастик режимлар бўлиши мумкинлигини тушуниш (Лоренц, Арнольд, Хакен). Иккинчиси эса, содда системаларда тасодифий флуктуациялар таъсирида замон ва маконда ўз-ўзини ташкил этиш мумкинлигини тушуниш (Пригожин, Тьюринг, Чернавский) ҳисобланади. Жаҳон фанининг олдинги ютуқлари (Пуанкаре, Ландау) билан тайёрланган бу кашфиётлар фанда Уйғониш давридан бошлаб ҳукм сурган чизиқли детерминизм табиий илмий парадигмасини чеклади. Чизиқсиз жараёнлар ҳақидаги фан ҳозирда ўзининг экспоненциал ўсиш босқичини бошдан кечирмоқда. Германия, Франция, АҚШ, Италия, Россияда

бу тармоқ жадал ривожланмоқда. Масалан, мураккаб ночизикли системалар Европа ва Американинг барча йирик университетларида ўрганилмоқда. Россиялик тадқиқотчилар бу соҳада маълум натижаларга эришдилар. Жумладан, Белоусов ва Жаботинский кашф этган кимёвий реакцияга жаҳон илмий адабиётларида минглаб мақолалар бағишланди. Арнольднинг хаосга ўтиш сценарийларининг математик назарияси бўйича тадқиқотлари, Кринский ва Иваницкийнинг юрак асаб тўқимасидаги автотўлқинли режимларни ўрганиш бўйича тадқиқотлари, Чернавский ва Романовский ишлаб чиққан ички хужайра ҳаракати ва морфогенези жараёнларининг модели катта шов-шувга сабаб бўлди.

Табиатшунослик фанларида ночизикли моделлар алоҳида аҳамиятга эга, чунки жонли системалар очик ва термодинамик жиҳатдан номувозий системалардир, шунинг учун ҳам уларда содир бўладиган жараёнларни фақат ночизикли тенгламалар ёрдамида тавсифлаш мумкин.

Ҳозирда жаҳон фани ўз эътиборини қуйидаги муаммоларнинг ечимини топишга қаратмоқда: кризис вазиятларининг ҳолатига баҳо бериш, мезонларини ҳамда кризис вазиятининг яқинлашаётганини башорат қилиш ва мураккаб системаларда кризисдан чиқиш сценарийлари (усуллари)ни ишлаб чиқиш. Фаннинг мазкур муаммолари таҳлили, тадқиқотчи олимларнинг тахминича, экспериментал тадқиқотлар билан яқин алоқада ривожланади. Бунда ночизикли динамика соҳасининг умумий қоидалари ва математик натижаларидан турли кризис ҳодисаларини тавсифлашда фойдаланилади. Шундай қилиб, ночизикли системалар назариясининг умумий назарий қоидалари мураккаб очик системалардаги реал жараёнларни ўрганишда ўзининг реал ифодасини топади.

Синергетика - оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир.

Хўш, синергетиканинг ўзига хос жиҳати нимада? Сир эмас, XX асрда табиий ва ижтимоий фанлардаги кашфиётлар натижаси ўлароқ, объект билан субъект, моддийлик билан маънавийлик, тадқиқотчи билан унинг тадқиқ объекти, табиат билан жамият, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндошув бошланди. Унинг моҳияти шундан иборатки, фан ва фалсафанинг ўзаро ҳамкорлиги, бирлиги ҳақида фикр юритишни тақозо қилмоқда. Демак, синергетика инсон ҳаётида, фан тараққиётидаги илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил қилувчи йўналиш сифатида пайдо бўлди.

Агар диалектик тараққиётни қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкорни инкор қонунлари орқали изоҳласа, синергетика уларни тараққиётнинг ягона доимий (универсал) қонунлари деб билмайди. Бундан ташқари, синергетика бугунги тамаддун (цивилизация) ривожига хос бош тамойил узлуксизлик (эволюция), босқичма-босқич ривожланиш (коэволюция), мувозанатсизлик, беқарорликнинг беқарор сифат касб этиши каби қонуниятларни шарҳлаб бердики, улар фан, ижтимоий ҳаёт ривожига борган сари ўз исботини топмоқда.

Синергетика кашф этаётган тараққиётнинг эволюцион тамойилини таҳлилдан ўтказиб кўрайлик. Бугунги кунда диалектика таъкидлаган, яъни эволюциясиз инқилоб, инқилобсиз узлуксиз ривожланиш юз бермайди, деган гап эскириб қолди. Чунки эволюция борлиқнинг умумий қонуни сифатида нафақат инсонлар билан инсонлар ўртасида, балки инсон билан табиат ўртасидаги бирлик ва муштараклик, ҳамкорликни ҳам ифодалайди. У жамият ҳаётида макон ва замонга боғлиқ геополитик ўзига хосликни ҳисобга олишни талаб қилади. Жамиятда инқилобий ҳодиса йўқ демоқчи эмасмиз. Тарихда кўплаб инқилобий тўнтаришлар бўлган. Улар тўғрисида кўплаб асарлар ҳам ёзилган. Бироқ XX аср фани инқилоб тараққиётда ягона йўл эмаслигини кўрсатиш билан бирга, у энг хатарли йўл эканини исботлаб берди.

Бинобарин, у эски тизимни тажовузкорлик ва зўравонлик билан ағдариб ташлашни, бузиш - у ўлдиришни, йўқ қилишни назарий жиҳатдан оқлайди. Маълумки: марксча таълимотда ҳам «зўрлик - янги жамиятнинг дояси» деб қаралади. Умуман, инқилобий назарияда зўрлик эътироф қилинади ва унга даъват этилади. Узлуксиз, тадрижий таълимотда эса тараққиёт эскини бузмасдан, уруш-ўлдиришларсиз амалга ошиши мумкин бўлган жараён эканлигига асосланади. Бу назария ҳозирги замон табиий фанларининг пойдевор қонунларига асосланган.

Биз синергетикани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига татбиқ этар эканмиз, республикаимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Катта сакрашлар тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъиян танлаб олдик» деган фикридан назарий асос сифатида фойдаланишимиз керак. Чунки бу гап бугунги замон универсал қонунларига мувофиқ келади. У методологик аҳамиятга эга бўлган фикрдир.

Синергетика тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат, мувозанатсизлик билан мувозанат ўртасидаги қонуниятга таянади. Кейинги вақтларда фалсафага оид илмий ишларда беқарорлик ва барқарорлик тушунчалари бот-бот тилга олинмоқда, бу тушунчалар ҳам Илья Пригожининг «Беқарорлик фалсафаси» асарида синергетиканинг муҳим тамойили сифатида янгича, анъанавий бўлмаган асосда таҳлил этилган. Олимнинг фикрича, шу вақтга қадар беқарорлик тушунчаси салбий маънода ишлатилиб келинган ва унинг асл моҳиятига етарлича эътибор берилмаган. Бугунги замон фани беқарорликни борлиқнинг муҳим бир жиҳати деб ҳисоблайди. Масалан, тебрангич (маятник) ҳаракатига эътибор берайлик. У бир меъёردа тебранади, агар тўхтатсак, дастлабки барқарор ҳолатига қайтади, агар уни тўнтариб қўйсак-чи? У ҳолда тебрангич ё ўнг томонга, ё чап томонга оғиб туради. Бу ҳолат беқарорликдир.

Шу вақтга қадар беқарорлик ҳолати олимлар назаридан четда бўлиб келди. Маълумки, барқарорлик қонуният ва сабабият натижасидир. Уни олдиндан билиш, Жамиятда бошқариш мумкин.

Шу чоққа қадар табиатшуносликда кўпроқ детерминизмга - нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишига аҳамият бериб келинди. Табиат ва жамиятни бошқариш ва ўрганишда ҳам детерминизм тамойилига асосланилди. Эндиликда инсон жамиятни тўлиқ билиши ва бошқара олиши мумкинми? - деган муаммо қайтадан кўтарилмоқда. Уни ҳал этиш учун фан ва фалсафа дунёнинг инсон бошқариши қийин бўлган соҳаси беқарорликни ўрганишга киришди. Беқарорлик детерминизм ҳодисаларнинг сабабий боғланишини билишнинг янги имкониятигина эмас, балки илмий жараённинг инсонийлашишидан ҳам далолатдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, илмий билиш жараёнига инсон фаолияти қўшилгани боис у инсонийлашган жараёндир.

Беқарорлик ва барқарорлик ҳақида гап кетар экан, инсон ва табиат муносабатида қандай ўзгариш юз бераётгани хусусида тўхталиш лозим. Беқарорлик детерминлашган дунёни тўлиқ назорат этиш ва бошқаришга имкон беради. Агар дунё беқарорлигини, уни олдиндан билиш мумкин эмаслигини англасак, унга эҳтиёткорлик билан, авайлаб муносабатда бўлишга мажбур бўламиз, дейди Пригожин.

Беқарорлик ҳодисасини ўрганиш инсоннинг шу даврга қадар билмаган кўп нарсани тушунишга, жумладан, фандаги чекланганликни англашига имкон яратади. Чунки шу вақтгача фан кўпроқ барқарорлик ҳодисасига эътибор бериб келган ва табиатдаги ҳодисалар моҳиятига бир томонлама ёндашган. Бироқ бундан табиат ва жамиятда фақат беқарорлик мавжуд экан, деган хулоса келиб чиқмайди. «Гап шундаки, барқарорлик ва беқарорлик айтиб бир пайтда бўлади ва яшайди», дея таъкидлайди Аристотель.

Синергетика беқарорлик тушунчаси ва хаос - (тартибсизлик) категориясини фалсафий таҳлил этади. Билмоқ керакки, бу тушунчалар

фақат салбий маънода ишлатилмайди. Ҳар қандай эски тузилма янги тузилмага ўтар экан, даставвал беқарорлик, хаос юз беради, танглик авж нуқтасига етади. Бу нуқтадаги ҳолатни ўзгартишда оддий тасодиф ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Синергетика тараққиётдаги микро ва макро жараёнларнинг ўзаро муносабатини ифода этади.

Синергетика янги дунёқараш сифатида, «чизиксиз» тафаккур тарзидир. «Чизиксиз» ва «чизикли» каби тушунчалар асли математика фанига хосдир. Синергетика уларни универсал қонунларнинг намоён бўлиши тарзида ишлатади.

Хуллас, синергетиканинг ўз-ўзини ташкил этиш тамойили жуда кўп фан соҳаларига кириб бормоқда. Оқибатда эса табиий системаларнинг синергетик (ночизикли, жўшқин) моделларини яратиш ўз-ўзини ташкил этиш ғояларини маромига етказишнинг муҳим полигонларидан бирига айланмоқда. Бу нуқтаи назардан кишиликнинг техноген ривожланиши табиий системаларнинг ривожланиши билан мувофиқлаштирилган дунё моделини тузиш энг муҳим муаммо ҳисобланади. Бунинг учун инсоният технологик ривожланишининг янги илмий парадигмага таянувчи янги концепциясини ишлаб чиқиш керак. Инсоннинг техник фаолияти ҳақидаги қарашларга асосланган синергетика ғояси мана шундай ноцизикли модел сифатида таклиф этилмоқда.

1.2. Ижтимоий синергетиканинг намоён бўлиш шакллари

Фалсафа фанининг янги тармоқларидан бўлмиш синергетика ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзидан ташкил топиш назариясидан бири ҳисобланар экан, аввало бу йўналиш жамият тараққиётининг эволюцион тамойилини асос қилиб олади. Ушбу тармоқ жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг қай тарзда пайдо бўлиши, уларни таҳлил қилиш ёки бартараф этиш йўллариининг ўқиш моҳиятини тушунтиришга қаратилган таълимот ва илмий билиш методи сифатида вужудга келди.

Вақт ўтиши билан ҳар қандай нарсa ўз-ўзидан янгиланиб боради. Айтайлик, бирор-бир жамиятнинг бошқарув системаси ўзгарар экан, албатта бундай ҳолларда беқарорлик ёки тартибсизлик юз бериши табиий. Қолаверса, эски жамият заминидa пайдо бўлаётган янги жамиятда турли қараш ва ғоялар вужудга келади. Бундай ҳолатнинг рўй беришида оддий тасодиф ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Жамият ҳаётидаги бу каби системалар алмашинуви ҳар бир соҳага алоқадор ҳисобланади. Масалан, техника тараққиётини олайлик. Бугунги кунда техника тараққиёти энг ривожланган соҳалардан ҳисобланади. XVIII асрда эса техниканинг ривожланиши ва унга бўлган эътибор сустр даражада бўлган. Лекин вақтлар ўтиши билан техникага бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиб бориш, унинг ривожланишига олиб келди. Инсоният томонидан бир қатор янги техник соҳаларнинг кашф этилиши натижасида техника тараққиётга эриша борди.

Жамият ривожланишида техниканинг ўрни катта ҳисобланса, замон ва вақтнинг аҳамияти ҳам муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий ривожланиш жамиятда турли нотекисликни юзага келтириши мумкин. Яқин ўтмишга назар ташласак дунё мамлакатлари ривожланишидаги ва ишлаб чиқаришдаги нотекислик, беқарорлик, мустамлакачилик бошқарувлари, табиий бойликларни ҳаддан зиёд кўп ўзлаштириш ва тақсимлашдаги адолатсизликлар оқибатида мамлакатлар бой ва камбағал давлат табақаларига ажрала бошлади.

Маълумки, инсоният қадим-қадимдан табиатни ўзлаштириш учун ҳаракат қилиб келган. Бундай ҳаракатларнинг сўнгги пайтларда ниҳоятда кенг тус олиши натижасида жаҳон ҳамжамиятида яна бир қалтис вазият, экологик муаммо вужудга келди. Ўтган асрнинг бошларидан ҳаракатга кела бошлаган ушбу экологик муаммолар халқаро глобал муаммоларга айланиб олиши учун унчалик кўп вақт талаб қилмади. Бугунги кунга келиб эса Президент И.Каримов таъкидлаганидек “Экологик ҳавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб бутун инсониятнинг

умумий муаммосига айланиб бўлди”¹. Лекин бу хавфни анча кечикиб, етмишинчи йилларнинг бошларида англай бошланди.

Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади. Мана шу қонуниятларнинг бузилиши оқибатида қуйидаги жиддий муаммолар вужудга келди: чучук сувнинг етишмаслиги; дунё океанларининг ифлосланиши; орол денгизининг қуриши; ҳавонинг ҳалокатли тарзда ифлосланиши; тупроқ эррозияси; ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши; табиий офатлар.

Синергетика мана шу каби муаммоларнинг юзага келишини, илмий жиҳатдан ёритиб беради ва назарий кўрсатмалар ишлаб чиқади. Соҳа “жамиятнинг тараққий этиш концепцияларни ишлаб чиқади ва бир қатор фундаментал ўзига хосликларни очиб беради”². Жамият ўз-ўзини ташкилловчи тизим сифатида қуйидан юқорига, соддадан мураккабга томон зиддиятли тараққий этиб боради. Жамият тараққиёти ёки таназзулида инсон омилининг роли муҳимдир.

Шахсларнинг ижтимоий қонунларга амал қилиб яшашлари жамият тараққиётига олиб келса, унга кўр-кўрона ёндошув, ушбу қонунлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш эса унинг таназзулига сабаб бўлади.

Синергетика жамиятнинг тараққиёт жараёнидаги кескин ўтиши сифат ўзгаришининг сакраш нуқтасига боғлиқ бўлишини, сакраш жараёнида турли вариантлар пайдо бўлиши ва улардан “танлов” содир бўлишини илмий асослаб беради. Тараққиёт жараёнида мувозанатсиз системаларнинг ривожланиши, уларнинг ҳаракати, турли тартибсизликлар ва улардаги янги системаларнинг шаклланишини асослаб беради. Шу билан бир қаторда тараққиётда макро ва микро даражалар ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб беради. “Синергетика асосан физикавий, кимёвий ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида-хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.112.

² Аҳмедова М. Фалсафа. Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2006. -Б.481.

биологик ҳодисаларни, шу билан бирга иқтисодий, техник ва ижтимоий жараёнларнинг ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш, тартиблиликдан тартибсизликка ўтиш, чизикли ва чизиксизлик каби ҳолатларнинг моҳияти ва қонуниятларини изоҳлайди”¹.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида синергетик методология ҳар жабҳада инсониятга катта хизмат қилмоқда. Одамлар, инсонлар ва инсонийлик аввало фалсафий ҳамда илмий тафаккур таъсирида шаклланади, ривожланади, сайқал топади. Энг қадимги замонлардан бошлаб то ҳозиргача одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш зарурати тафаккурни тақозо этиб келади ва бу зарурият келажакда ҳам кучайиб бораверади. Бу жараёнларда оламдаги объектив ва субъектив омилларнинг моҳиятини англаш, уларни идрок этиш, тасаввурлаш, тушунишда инсоннинг жиддий эътибори, идроки, анализ ва синтез қилиши рўй беради, яъни оламга синергетика услубияти билан муносабатда бўлиш лозим бўлади.

Тафаккурда фалсафа ва фанлар ҳамиша уйғунликда ва алоҳида-алоҳида ҳолатларда мавжуд. Бироқ кўп даврларда илм-фан ғоялари фалсафа қобиғида мавжуд бўлган. Инсоният оламни чуқурроқ билган сари фалсафа ҳажмига илмий маълумотлар сиғмай қолгач, илмий ғоялар фанлар сифатида гуруҳ-гуруҳ бўлиб фалсафадан ажралиб чиқиб кетган, аммо фалсафа билан фанлар алоқаси мутлақо йўқ бўлиб кетмади, ва аксинча, ҳозирги замонда ҳам табиётшунослик, гуманитар, айниқса ижтимоий (фалсафа, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, социология) фанлар соҳаларида янада кучайиб бораётир. Натижада фан ишлаб чиқарувчи кучга айланиб бораётир. Бу жараённи билишда синергетика олимлар қўлида услубий восита бўлаётир.

Жамият тараққий этган сари, инсоният муносабатлари кучайиб, мураккаблашган сари сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ, маънавият, диний-руҳий,

¹ Фалсафа қомусий луғат. -Т.: Шарк, 2004. -Б.369.

таълим-тарбия каби соҳалардаги талаб-эҳтиёжлар ортиб кетиши оқибатида фалсафа ва фанларнинг вазифалари ҳам кўпайиб ва мураккаблашди.

Синергетика методологияси мустақил Ўзбекистон учун жуда муҳим. Бу методология талабларига асосланган мустақиллик йўли энг янги шаклланган бозор муносабатларида ҳам тараққиётнинг босқичма-босқич шаклида ҳам, ундаги бешта тамойилида ҳам, тарихий тажрибадан фойдаланишда ҳам, фақат Ўзбекистонга хос ва мос йўлда ҳам, ислохотларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-тарбиявий, илмий, руҳий ва инсон тафаккури соҳаларида ҳам ўз-ўзини ташкиллаштириш, ноанъанавий, фақат ўзи танлаган йўлдан оғишмай олға боришни амалга ошириш синергетиканинг ҳаётда амал қилиши бўлиб, бу тўғри йўллигини хорижда ҳам тан олингани фалсафамизнинг буюк ютуғи бўлди.

Илм-фан йўли ҳам, фалсафа йўли ҳам силлиқ, текис эмас. У олим масъулияти, ахлоқ-одоби ғоят муҳимлигини кўрсатади. Фан билан фалсафа масаласига фанлар ва фалсафа вакиллари холис муносабатда бўлишлари зарур, деб ўйлаймиз.

Синергетика предмети тизимларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни сифатида таърифлаш мумкин. Бу предметни биз синергетиканинг ҳам табиий-илмий, ҳам гуманитар “бўлим”ларида учратишимиз мумкин. Ушбу ҳолат шуни ифодалайдики, фан ривожининг постноклассик босқичи учун турли илмий йўналишларни синтез қилиш, яъни уларнинг ихтисослашувини ўзгартирадиган жараён ҳосилдир. Бунда, бир томондан, физикавий ва кимёвий, бошқа томондан эса — биологик ва социологик жараёнлар ўртасидаги енгиб бўлмайдиган тўсиқларни бартараф этадиган янги йўналиш яъни синергетика катта роль ўйнайди. Мазкур ҳолатда мураккаб предметни билиш учун махсус тушунчалар аппарати шакллантириш керак бўлади. Масалан, синергетик тилни тавсифлашда унинг қатор хусусиятлари ажратиб кўрсатилади, булар:

1) янги тил табиий-илмий билимдан келиб чиққанлиги туфайли бошқа соҳаларда ундан фойдаланиш қийин, бу эса синергетиканинг бирмунча ёпиқлигига олиб келиб, ушбу парадигмани ижтимоий-фалсафий билим соҳасига янада жадалроқ сингдиришда ғов бўлиб хизмат қилади;

2) атамашунослик ва асосий тушунчалар тизимларидаги мувозийлик (ўхшашлик) ва ҳар хиллик, бу янги соҳадаги тадқиқотлар ўз хусусиятига кўра, кўпгина замонавий фанларнинг куч-воситалари ёрдамида олиб борилиши билан изоҳланади, бинобарин, ушбу фанларнинг ҳар бири синергетикага хос усул ва атамаларга эга;

3) синергетикага оид тушунчалар аппарати шакллантириш узоқ вақт давом этиши кўп маънолилиқка, атамаларнинг ноаниқлигига олиб келди;

4) синергетиканинг атамашунослик аппарати тушунчаларни мавҳумлаштириш даражасига, шунингдек, уларнинг келиб чиқишига кўра кўп бўғинли ҳисобланади.

Синергетик тилнинг ижтимоий-фалсафий билишдаги аҳамияти шундан иборатки, янги тушунчалар нисбатан сиғимкор, ахборотлар билан тўйинган, идрок этишга, масалан, фан ривожининг ҳозирги постноклассик босқичидаги ижтимоий муаммоларни англашга хизмат қилади. Бизнинг назаримизда, куйидагилар синергетиканинг парадигмал хусусиятга эгалиги ҳақида фикр юритиш учун асос бўлади: синергетика ичида турли йўналишдаги бир неча оқимларнинг мавжудлиги; синергетик ғояларнинг фалсафий умумлашмаси; синергетиканинг универсаллиги, бинобарин, турли фанлар вакиллари фаннинг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан синергетиканинг қўлланиш ва ривожланиш истикболини кўрмоқдалар. Бундай даъво XX аср ярмида Т.С.Кун томонидан таклиф этилган парадигма тушунчасига тўла мувофиқ келади[3]. Шунинг учун ҳам Т.Кун концепциясидан, шунингдек, синергетиканинг моҳияти тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, уни постноклассик фан парадигмаси деб ҳисоблаш мумкин. Янги парадигма муайян бирликни – ҳар қандай табиат объектлари тўғрисидаги билимлар

яхлитлигини топишга интилкоқда. Шу маънода, синергетиканинг пайдо бўлиши илмий билим ривожланишидаги тадрижий босқичлардан бири саналади.

Умуман олганда, ижтимоий ҳодисаларга синергетик ёндашув кенг тарқалганига қарамай, ҳозирда у кўпроқ фалсафий адабиётлар доирасида қолиб кетяпти. Бу ҳол ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг умумий назариясини жамиятга татбиқ этишдан аввал, мазкур назариянинг асосий тушунчалари тизими ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини тўғри аниқлаб олиш зарурлиги билан изоҳланади. Буни аниқ фанлар услубиётини ўзлаштирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Аввало, синергетиканинг асосий муаммоси тартиб ва хаос (тартибсизлик) ўртасидаги ўзаро муносабатлар эканини тушуниш лозим. Бизга маълумки, турли шакллардаги тартиб ва тартибсизликлар беқарор бўлиб, улар бир-бирига ўтиб кетишга мойил: ҳали у ерда, ҳали бу ерда тартибли тузилмалар тартибсиз тузилмаларга айланиб қолишини (тартиб хаосга ўтади) ёки тартибсиз тузилмалар тартибланиб қолишини (хаос тартибга ўтади) кузатиш мумкин. Шунга эътибор қаратиш лозимки, бундай ўтишлар айрим тартибли тузилмаларнинг бошқа тартибли тузилмаларга ўтиши ва худди шу тарзда, тартибсиз тузилмаларнинг бошқа тартибсиз тузилмаларга ўтишига нисбатан анча мустаҳкам характер касб этади.

Сўнгги вақтларда бунчалик мураккаб муаммони таҳлил қилишга қай йўсинда киришиш зарурлигини кўрсатадиган жиддий тадқиқотлар пайдо бўлди. Бу маънода, А.П.Назаретяннинг "Жаҳон маданиятининг ривожланишида тажовуз, ахлоқ ва инқирозлар. Тарихий жараён синергетикаси" (М., 1996) номли монографияси ҳамда Г.Г. Малинецкийнинг "Ночизикли динамика – назарий тарих калитими?" ("Общественные науки и современность" 1996, № 4) номли мақоласи алоҳида эътиборга лойиқ[4]. Юқоридаги мақолада кўрсатилишича, вазифа, аввало, бифуркация ва аттрактор каби фундаментал тушунчаларнинг ижтимоий маъносини очиб беришдан иборат. Ижтимоий тизимлар мураккаблиги ва ўзгарувчанлигидаги

Энг катта қийинчилик шундаки, мазкур тушунчаларнинг ижтимоий хусусиятини аниқлаштиришда шундай назарий “элак”ни топиш лозим, токи у асосий нарсани иккинчи даражали нарсадан ажратиш билан бирга, бирон-бир аҳамиятли нарсани йўқотмаслик имконини берсин. Шуниси қизиқки, айнан юқоридаги монографияда шу “элак”ни қандай қилиб топиш мумкин, деган саволга ҳаққоний жавоб мавжуд. Унда таъкидланишича, бундай “элак” сифатида инсоният тараққиётидаги утилитар (моддий) ("технократик") ва маънавий ("гуманистик") тенденциялар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тадқиқ этиш, қандай қилиб узоқ тарихий истикболда технократик-гуманистик уйғунликка эришиш мумкинлигини ойдинлаштириш хизмат қилиши лозим, бинобарин, инсониятнинг ўзини ўзи йўқ қилиш таҳдидидан фақат кейингисигина қутқариши мумкин экан.

Физика нуқтаи назаридан қараганда, барча бу каби ўтишларнинг маъноси барқарорликни излаш, яъни тизимнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишига барҳам берилган ҳолатга эришишдан иборат. Тажрибадан маълумки, ҳар қандай моддий тизимнинг табиий хусусияти – бу нисбатан камроқ барқарорликдан кўпроқ барқарорликка ўтишга, ва пировардида, энг юқори даражадаги барқарор ҳолатга эришишга (мавжуд шароитларда) интилишдир. Ушбу изланиш икки қарама-қарши тенденцияларда акс этади: 1) ёпиқ тизимларда энг юқори даражадаги хаосга (тартибсиз ҳолатга) интилиш; 2) очик тизимларда маълум бир шароитларда тартибнинг муайян даражасига интилиш. Тартибсизлик(вайроналик)нинг ўлчови физикада “энтропия” деб номланган катталик бўлса, табиийки, тартибланганлик (уюшқоқлик) ўлчови энтропиянинг тескараси, яъни “негэнтропия” ёки “ахборот” деб аталган катталик бўлади. Бу ҳолда биринчи тенденция ёпиқ тизимда энтропиянинг ошиши қонунида, иккинчиси эса – очик тизимда энтропиянинг камайиб, негэнтропиянинг кўпайишида (ташқи муҳит тизим устида амалга оширган ишлар эвазига) намоён бўлади. Бироқ, вазият шу билан мураккаблашадики, ёпиқ ва очик тизимлар ўртасидаги чегара мутлак

характерга эга эмас, яъни: бир томондан, ёпиқ тизим унинг алоҳидалиги бузилиши натижасида очик тизимга айланиши, очик тизим эса унинг муҳитдан ажралиб қолиши ҳисобига ёпиқ тизимга айланиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун, энтропиянинг ошиши унинг камайиши билан, камайиши эса кўпайиши билан алмашиши мумкин. Шундай қилиб, умуман олганда, оддий чизиқли тизимларда тартибсизликка интилиш сингари тартибга интилиш ҳам беқарор характерга эга. Демак, ривожланиш юқори барқарорликка интилиш билан белгиланган тартиб ва хаос синтези даражасининг ўсишидир.

Шу боис, диссипатив тизимлар назарияси асосчилари “эволюцияни тузилмавий барқарорлик муаммоси сифатида баҳолаш мумкин”, деб бежизга таъкидлашмаган. Бинобарин, ушбу маънодаги “ривожланиш” тушунчаси ноорганик доирада ҳам, биологик ва ижтимоий ҳодисаларда ҳам бир хилда қўлланилиши туфайли универсал табиатга эга. Мазкур тушунчанинг умумийлиги шу билан изоҳланадики, уни таърифлашда тартиб, хаос ва барқарорлик тўғрисидаги тасаввурлардан фойдаланилган, зеро, уларнинг универсаллигига заррача ҳам шубҳа йўқ. Тартиб ва хаос ўртасидаги ўтишларнинг чексиз уммонида тартиб ва хаос синтезининг элементар шакли ҳисобланган энг содда диссипатив тизимларнинг туғилиши ҳамда уларнинг янада мураккаброқ синтез шаклларига ўтиши (ниҳоятда мураккаб иерархик тузилишдаги диссипатив тизимлар ташкил топиши сабабли), чамаси, объектив воқеликнинг юқори барқарор ҳолатига эришишда универсал усул бўлиши мумкин. Хаосдан тартибга ва аксинча, тартибдан хаосга ҳар қандай ўтишларнинг номувозанатлилиги туфайли, энг юқори даражадаги мувозанатга фақат хаос ва тартиб ўртасидаги зиддиятларнинг ўзини бартараф этиш орқалигина эришиш мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, инсон ҳам (ҳар қандай бошқа организм каби) ўзига хос диссипатив тизимни ифодалайди. У муҳит билан модда, энергия ва ахборот алмашинуви (озикланиш, ҳаво олиш,

иссиқлик алмашинуви, кўпайиш, билим олиш, утилитар (моддий) ва маънавий бойликларни ишлаб чиқиш, мулоқот ва ҳ.к.) шарти бажарилсагина, жисмонан ва руҳан яшаши мумкин. Бу каби тизимларнинг кўпчилиги муайян турдаги ижтимоий жамоа ёки корпорация(оила, мактаб, корхона ва ҳ.к.)ни ҳосил қилади. Бундай корпорация, ўз навбатида, диссипатив тизимдир, негаки, у муҳит билан модда, энергия ва ахборотнинг ўзига хос тарзда алмашинуви ҳисобига яшайди. Бир даражадаги корпорация ўзидан юқорирок даражадаги диссипатив тизимларни ташкил қилади, бунинг натижасида, пировардида давлатга мос келадиган (юқори ривожланган жамиятларда) иерархик диссипатив тизим шаклланадики, у ҳам фақат ўзини ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳит билан модда, энергия ва ахборот алмашинуви шартига биноан яшаши мумкин. Шундай қилиб, ҳар қандай жамият ўзида диссипатив тизимни намоён қилади, шу билан бирга, унинг элементлари вақти-вақти билан алмашинади, бинобарин, диссипатив тузилма (ижтимоий тартиб) маълум чегараларда авлодлар (элементар диссипатив тизимлар) янгиланишидан қатъи назар, мавжуд бўлади.

II. БОБ. ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ СИНЕРГЕТИК ТАДҚИҚИ

2.1. Синергетикада ижтимоий-фалсафий муаммоларни қайта англаш зарурати

Бугун гуманитар билимлар тизимида синергетиканинг концептуал аппаратида фойдаланиш бўйича фанлараро олиб борилган ишларнинг оралиқ натижаларини чиқариш мумкин¹. Шунинг учун ҳам биз мавзунини тўла қамраб олишга даъво қилмаган ҳолда, бугунги кун учун муҳимроқ ва замонавий илм-фанни ривожлантириш умумий тенденцияларига мос бўлиб кўринган қатор назарий натижаларни имкон даражасида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Авваламбор, шуни ёдда тутиш лозимки, синергетик парадигманинг ёйилиши табиатшунослик ва жамиятшунослик ўртасидаги чегараларнинг йўқолиб кетишига олиб келадиган, дунёнинг универсал эволюцион манзарасини куришни таъминлайдиган кучли омиллардан бири бўлди². Бунда мумтоз фан учун хос бўлган редукционизм стратегияси, яъни ўзаро таъсирнинг эволюцион энг юқори шакллари куйи шакллар ўхшашлиги асосида талқин қилиниши қарама-қарши – элевационизм (лот. *elevatio* – кўтарилиш) стратегияси билан тўлдирилади ва қисман олиб ташланади. Яъни, эвристик ўхшашликлар юқоридан пастга қараб тарқалади, ва энг оддий ўзаро таъсирлар ҳам уларнинг ривожланиш истиқболлари орқали кўриб чиқилади. Кўрсатилган стратегия замонавий табиатшуносликда “галилейгача бўлган” натурфалсафанинг айрим фундаментал қоидаларини, жумладан, сабабий ва мақсадли детерминация парадигмаларини янгича синтези, субъект ва объект ёндашувларини қайта тиклайди. Бу, ўз навбатида,

¹ Хакен Г. Синергетика. - М., 1980.

² Пригожин И. От существующего к возникшему. Время и сложность в физических науках. М., 1985; Jantsch E. The Self-organizing Universe. Scientific and Human Implications of the Emerging Paradigm of Evolution. N-Y., 1980; Назаретян А.П.. Интеллект во Вселенной: истоки, становление, перспективы. Очерки междисциплинарной теории прогресса. - М., 1992; Laszlo E. The Interconnected Universe. Conceptual Foundations of Transdisciplinary Unified Theory. N-Y., 1995.

фан тараққиётидаги дисциплинар босқичнинг постдисциплинар (муаммовий) босқичга узвий ўсиб ўтиши билан боғланган.

Стратегик қоидаларнинг бундай алмашилиши инсонни дунё илмий манзарасининг марказий бўғинига айлантиради. Мумтоз ва номумтоз (квант-релятивистик) табиатшунослик доирасида инсоннинг дунёда мавжуд бўлиши янглиш ҳол ва ҳатто, И.Пригожин таъбирича, “ўзига хос тарздаги хато” сифатида кўринарди. Аксинча, ўз-ўзини ташкиллаштириш ғояси билан суғорилган янги номумтоз “Мен мавжудман” ибораси эмпирик жиҳатдан энг ишончли ва универсал назарияни тузиш учун бошланғич тезис сифатида қабул қилинади; шундан инсоннинг мавжудлигини назарга олмайдиган ҳар қандай табиий-илмий модел ишончсиз деб талқин қилинади. Синергетика махсус курслари, бир томондан, таълимнинг гуманитарлашуви воситаси, бошқа томондан – гуманитар фан вакилларнинг табиий-илмий фаолияти учун восита сифатида кўрилади¹. Услубий жиҳатдан, ўз-ўзини ташкиллаштириш концепцияларининг мулоқоти ўзида тўлдирувчанлик тамойили, ноаниқлилик тамойили, Геделнинг тўлиқсизлик назарияси, зарурий хилма-хиллик қонуни, кўпмаъноли мантиқлар ва бошқаларни мужассамлаштирган янги номумтоз фандаги дунёқараш қоидалари билан тўла уйғунлашганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади². Синергетиканинг мулоқотга асосланган асл моҳияти омма руҳиятидаги жараёнларни ва ижод механизмларини тадқиқ этишда унинг аппаратида самарали фойдаланишга ёрдам беради³.

¹ Аршинов В.И., Буданов В. Г., Суханов А. Д. Естественнонаучное образование гуманитариев: на пути к единой науке.// Общественные науки и современность. - 1994, №5; Шевелёва С.С. К становлению синергетической модели образования.// Общественные науки и современность. - 1997, №1.

² Делокаров К.Х. Рационализм и социосинергетика.// Общественные науки и современность. - 1997, №1; Назаретян А. П. Истина как категория мифологического мышления.// Общественные науки и современность. - 1995, №4.

³ Митина О.В., Петренко В. Ф. Динамика политического сознания как процесс самоорганизации.// Общественные науки и современность, 1995, №5; Алексухин С. И.. Социально-психологические особенности информационного взаимодействия в политике (на материале избирательных компаний 1993-1995 годов). Автореф. канд. дис. М., 1996. Горячкина Е. А. Синергетика и творческая синергия как моделирование космических первообразов.// Общественные науки и современность. - 1995, №2; Евин И. А. Синергетика искусства. - М., 1993.

Мос равишда, синергетика футурологик тадқиқотлар услубиётини ҳам чуқурлаштиради. Тез-тез содир бўладиган қисқа муддатли бирон-бир тенденцияларнинг тўғри чизиқда ёйилиши конструктивистик моделларга ўрин бўшатади: бунда келажак имкониятлар макони сифатида, ҳозирги вақт эса — кескин танлов жараёни сифатида кўринади. Бунда утопик лойиҳаларнинг уларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш парадигмаси билан концептуал мувофиқлиги даражаси бўйича ишончли воситаси ишлаб чиқилади. Утопик моделларнинг энг асосий белгиси шундан иборатки, улар ҳатто энг оптимал қарорларнинг ҳам муқаррар бадали бўлишини, шунингдек, салбий оқибатларни кузатиб бориш ва уларга тайёр туриш вазифасини ҳам назардан четда қолдиради.

Юқорида айтилганлар жиддий сиёсий ва иқтисодий дастурларни популистик дастурлардан фарқлаб, ҳозирга ишонч билан мўлжал олиш имконини беради. Асосийси — тамаддун, маданият, интеллектнинг нафақат яқин, балки узоқ муддатли истиқболлари тўғрисидаги баҳс-мунозаралар ҳам янги илмий даражага кўтарилади. Шунингдек, илмий футурологиянинг шаклланишига материянинг кўпроқ эҳтимолли (тартибсиз) ҳолатлардан камроқ эҳтимолли ҳолатларга босқичма-босқич ўтишлари билан боғлиқ қатор фундаментал механизмлар ва илғор эволюцион тенденцияларнинг аниқланиши ҳам хизмат қилади. Барқарор номувозанатлилиқ даражаларининг босқичма-босқич ўсиб бориши, “табiiйликдан узоқлашиб бориши” асносида ҳосил бўлган универсал эволюцион вектор жамият тарихига, биомухит ва Оламнинг ўтмишига шунчалик чуқур кириб борадики, бу уни истиқболга ҳам қўллаш мантикий эканлигини билдиради, бунинг устига, бундай концептуал операция келажак сценарийларининг қурилишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Синергетик категориялар мажмуи антропология, маданиятшунослик, ижтимоий ва тарихий психология, этиканинг анъанавий муаммоларини

янгича тушуниш, илгари кам ўрганилган боғланиш сабабларини ечиш учун ёрдам беради.

Ўз-ўзини ташкиллаштириш моделида жамият (ёки тамаддун ўзининг энг кенг, “космосоциологик” маъносида) алоҳида турдаги номувозанатли тизим сифатида юзага чиқади, унинг барқарорлиги ички ва ташқи (табiiй муҳит билан) муносабатларнинг сунъий ёрдами орқали таъминланади. Мувофиқ равишда, барча воситачи механизмлар йиғиндиси – меҳнат қуроллари ва моддий маҳсулотлар, тиллар, мифологиялар, ахлоқ ва бошқалар “маданият” тушунчаси остида бирлашади.

Маданиятни энтропияга қарши мажмуавий механизм сифатида талқин қилиш эътиборни ижтимоий-табiiй ва ички социал муносабатларнинг илгаридан бўлиб келган қарама-қаршилиги ҳамда шундан келиб чиқадиган нозизиқлилиқ, бифуркация босқичлари ва эволюцион ҳалокатлар ҳодисаларига қаратишни тақозо этади. Номувозанатли ҳолат фақат энтропиянинг бошқа тизимларда ҳам ўсиши ҳисобига барқарорлашиши мумкинлиги туфайли, ижтимоий организмнинг мавжудлиги муҳитдаги муқаррар бузилишлар ва антропоген тангликлар билан бирга кечади. Охирчилари деярли ҳар бир маданият тарихига кириб боради, шунингдек, антиэнтропия механизмлари бир хилда кучайиб, муҳитни вайрон қиладиган вазиятларда ниҳоятда кескинлашади. Натижада, аввалги босқичдаги бирмунча барқарор ҳолатни таъминлайдиган механизмлар салбий самара бера бошлайди ва ўзининг зиддига – энтропиянинг ҳалокатли ўсиши хавфига айланади. Беқарорлик босқичи ё тизимнинг ҳалокати, ё янада мураккаброқ, табиатга камроқ зарар етказиб, фойдали натижаларга эришиш имконини берадиган “шафқатлироқ” механизмларнинг шаклланиши билан якун топади.

Алоҳида тарихий материални мазкур концептуал схема орқали ўрганиш инструментал ва гуманитар интеллектнинг ривожланиши ўртасидаги умумий аҳамиятга эга боғлиқлик, яъни техно-гуманитар мувозанат қонуни(ёки эволюцион боғланишлар қонуни)ни аниқлаш

имконини берди: ишлаб чиқариш ва жанговор технологиялар имконияти қанчалик юқори бўлса, жамият омон қолиши учун тажовузни тўхтатиб қоладиган такомиллашган воситалар шунчалик зарур бўлади. Маданиятнинг “кучи” ва “донолиги” ўртасидаги фарқ ошиши билан экологик ва геосиёсий экспансиянинг навбатдаги босқичи бошланадики, бу ўзига хос психология ва идеология билан кузатилади. Ўтмишда бундай босқич, кўпинча, ижтимоий организмнинг ўз мавжудлигининг табиий ва ташкилий асосларини синдирадиган ҳалокати ёки бузилиши билан якунланар эди.

Кўпсонли тарихий мисолларда намоён бўладиган бу воқеий вазият замонавий экологларга хос технофобия кайфиятини, шунингдек, инсониятни ягона тарих ва эволюцион истиқболлардан маҳрум қиладиган ёпиқ цивилизацион цикллار концепциясини ўзига сингдиради. Шу билан бирга, кенг миқёсли, вақт билан боғлиқ ва қиёсий-маданий умумлашмалар асосига қурилган техно-гуманитар мувозанат қонуни батамом бошқа мазмундаги тарихий лавҳаларни ҳам ҳисобга олади ва умуман олганда, масалани жуда ҳам ечимсиз қолдирмайди. Антропоген танглик кенг, ижтимоий тўйинган минтақани қамраб олган қатор ҳолларда, минтақа аҳолиси боши берк кўчадан чиқиш йўлини албатта топган ва аввалги авлодлар фаолиятининг оқибатлари билан белгиланган тарихий “чақирик”қа муносиб тарзда жавоб берган. Бундай тарихий лавҳалар умуминсоний маданият тараққиётида кескин бурилишларни ясаган: ишлаб чиқаришнинг солиштирма унумдорлиги (ҳар бир вайроналик бирлигига фойдали маҳсулот ҳажми) ўсган; индивидуал ва ижтимоий онгда ахборот ҳажми ошган; ташкилий алоқалар кенгайган; ахлоқ, ҳуқуқ, гуруҳлараро ва гуруҳ ичидаги келишув усуллари такомиллашган. Махсус ўтказилган таҳлил кўрсатишича, бу ҳар томонлама тараққийпарвар ўзгаришларда кўп нарсалар кейинги барча тарихий бурилишларда ортга қайтариб бўлмайдиган нарсаларга айланди.

Умуман, сайёрамизда тамаддун ҳалигача яшаб келаётганига сабаб — одамлар турли фожиавий тангликлар ўчоғидан ёриб ўтиб, куч тўплаб, охир-

оқибат, ақлли бўла бордилар. Инсониятнинг илғор маданиятлари ҳар гал хўжалик юритиш, ташкил қилиш ва ижтимоий фикрлашнинг янада самаралироқ усуллари ишлаб чиқиб, тобора ўсиб бораётган технологик куч-қудратга мослашиб борди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, бу ерда мослашув феномени Г.Спенсердан бошлаб Э.Дюркгейм, Т.Парсон, Г.Нисбет ва бошқа муаллифларнинг функционал социологияси моделларидагидан бошқачароқ талқин қилинади: яъни, ижтимоий тизим муҳитнинг ички омиллар натижасида ўзгараётган шарт-шароитларига мослашишдан ҳам кўра (бундай вазиятлар қизиқарли эмас ва нисбатан бемаънидир), кўпроқ, ўзининг ўсиб бораётган имкониятлари ва инсон фаолияти оқибатларига мослашиб боради. Бу моделнинг қатъий фарқларидан бири барқарор номувозанатлилиқ концепцияси асосига қурилганлигидир. Функционалистлар фикрича, ижтимоий ўзгаришлар тизимни мувозанат ҳолатидан чиқарадиган ташқи ғалаёнлар оқибати ҳамда унинг дастлабки мувозанатли ҳолатига маълум даражада муваффақият билан интилиши натижасидир. Синергетика эса жамият ва табиат ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг имманент (ички) характериға урғу беради, улар ўртасидаги муносабатларнинг вақтинчалик барқарорлашуви, авваламбор, маданий ривожланиш параметрларининг мувозанати билан таъминланади ва жамиятнинг ўзининг фаоллиги натижасида мунтазам бузилади. Бундай вазиятларда диққат марказига кўпроқ бизнинг даврда эволюцион нуқтаи-назардан энг унумдор ва кўпсонли ҳисобланган антропоген тангликлар тушади. Умуман олганда, синергетик модел функционал социологиянинг мувозанатли моделларига қўшимча сифатида уларни “диалектик” концепция (ижтимоий ихтилофларға ривожланишни ҳаракатға келтирувчи куч сифатида баҳолайдиган) билан боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, яна шунга ҳам эътибор қаратиш муҳимки, ижтимоий тараққиётнинг энергетик ва гуманитар жиҳатлари ўртасидаги қонуний ва шу билан бирга, фожиавий муносабат илгари ҳам энг умумий ҳолда кўплаб

маданият тарихчилари, файласуфлар ва шоирлар ишларида қайд этилган. Масалан, М.Волошиннинг “Каин йўллари бўйлаб” (“Путями Каина”) поэмасида шоир инсоният тарихининг таассуротли манзараси – ҳар бир “табиатнинг фош қилиниши” ўзидан кейин навбатдаги зўравонликнинг чайқалишига олиб келиши ва ўз навбатида, вақт ўтиши билан бу зўравонлик учқуни ўрнини “ўзаро ҳурмат” эгаллашини чиройли тарзда тасвирлаган¹. Машҳур тарихчи Г.Померанцнинг ёзишича: “Тарих – бу ахлоқий вазифалар жараёни. Ишларнинг эмас, йўқ – вазифаларнинг, бу вазифалар ҳар бир инсон олдида бутун инсониятнинг умумий қудратини кўяди, қийин ва янаям қийин, деярли бажариб бўлмайдиган, лекин ярмигача бўлса ҳам амал-тақал бажарилаётган вазифалардир (акс ҳолда, ҳамма нарса аллақачон бузилиб бўларди)”². Бироқ, ушбу муносабатни умумий аҳамиятга молик қонуний боғланиш сифатида тасаввур этиш учун, диққат-эътиборни маданиятнинг энтропияга қарши функциясига, шунингдек, энтропияга қарши механизмларнинг салбий (вайронкор) жиҳатига жамлаш лозим бўлади. Мос равишда, синергетик ривожланиш модели тарихдан аввалги даврни; ўзида техно-гуманитар нисбат қонунининг ўзига хос ифодасини мужассамлаштирган (аввалги тарихий тажрибада ишлаб чиқилган қадриятли-меъёрий регуляторларнинг мавжуд технологик салоҳиятга мос келмаслиги) замонавий глобал танглик мазмунини; энг ўткир муаммоларни ҳал қилиш истиқболлари ва бу учун тўланадиган бадалларни янги қирраларда кўриш имконини берди. Бу ерда умумий тизимга хос яна бир қонуниятни кўрсатиш фойдадан холи бўлмайди, бу қонуният ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси доирасида очилган бўлиб, глобал муаммоларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланаётган мураккаб тизимларда ташкилий алоқалар динамикасини таҳлил қилар экан, рус олими Е.Седов тузилма

¹ Волошин М. А. "Средоточье всех путей...". М., 1989 - С.153-154.

² Померанц Г. С. Опыт философии солидарности.// Вопросы философии. - 1991, №3.

иерархиясининг энг юқори даражасидаги хилма-хилликнинг самарали ўсиши доим аввалги босқичлардаги хилма-хилликнинг чегараланиши билан бадал тўлашини, ва аксинча, қуйи босқичдаги хилма-хилликнинг кўпайиши юқори даражаларнинг парчаланиши ҳисобига юз беришини кўрсатди. Айтилган хулоса табиий, ижтимоий-табиий, социал, семиотик, маънавий тизим бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги тизимларга тааллуқли бўлгани учун, иерархик компенсациялар қонуни (Седов қонуни) умуммиллий аҳамият касб этмоқда¹. У ўтган асрнинг 50-йилларида У.Р.Эшби томонидан шакллантирилган зарурий хилма-хиллик қонунини тўлдириши билан бирга, файласуфлар, социологлар ва ахлоқшунослар (энг камида Анаксагор ва Эмпедоклдан бошлаб) ўртасида кўп асрлардан буён баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келаётган «олға ривожланиш ўсиш билан боғланганми ёки аксинча, хилма-хилликнинг чегараланиши билан кечадими?» деган масалага яқун ясайди. Бугун ушбу ноўрин боғлиқликка эътибор қаратмай, ижтимоий ривожланиш истиқболлари ва стратегиясини жиддий муҳокама қилиб бўлмайди. Масалан у, маданий хилма-хилликнинг ўсиши қиммат, лекин зарур баҳо: биринчидан, жонли табиатнинг воқеий хилма-хиллиги чекланганлиги; иккинчидан эса — этник, минтақавий, диний ва бошқа макрогуруҳларга оид маданиятларнинг чуқур маъноли қатламларининг гомогенлашуви эканлигини тушунишга мажбур қилади. Демак, экологлар табиий муҳитнинг ижтимоий ҳаёт фаолиятига жалб этилган турларга оид таркиби муқаррар қисқаришига кўникишлари ва жараённинг кечишини диққат билан кузатиш ҳамда назорат қилишларига тўғри келади. Маданиятшунослар эса ўз эътиборини олижаноб, лекин амалга ошириб бўлмайдиган, хавфли оқибатларга олиб келадиган вазифа — ҳар бир маданиятнинг тарихий ўзига хослигини сақлаб қолиш вазифасига қаратишлари мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, барча анъанавий диний

¹ Седов Е.А.. Информационные критерии упорядоченности и сложности организации структуры систем. -В кн.: Системная концепция информационных процессов. - М., 1988; Информационно-энтропийные свойства социальных систем.// Общественные науки и современность. - 1993, №4.

маданиятлар ва динлар бошқа – ҳозиргилари билан солиштириб бўлмайдиган инструментал имкониятлар доирасида шаклланган, улар ўз тарихий даври талабларига жавоб берган ва албатта, ана шу талабларнинг ўзгариб бориши билан шаклини ўзгартириб борган. Талаблар эса, яқин-яқинларгача ҳам, асосан, ижтимоий зўравонликни тартибга солиш, унинг хаосга айланишига йўл қўймасликдан иборат бўлган, чунки тарих ҳали инсоният олдида энг асосий вазифа – сиёсий майдондан зўравонликни олиб ташлаш вазифасини қўймаган эди. Шунинг учун ҳар бир маданият у ёки бу даражада одамларни “ўзиники”лар ва “бегона”ларга қатъий ажратди, ва қоидага мувофиқ, маданиятнинг марказий, асосий ташкил қилувчиси сифатида ҳамиша янги курашчиларни руҳлантириш учун сафарбар қилинган қаҳрамонлар, баходирлар ва жангчилар образларини киритди.

Хулоса қилиб айтганда, мислсиз технологик салоҳиятга эга умумсайёравий тамаддун эволюциянинг навбатдаги бурилишида, қачонки, агар кишилар бу гал ҳам асосий қадриятлар, меъёрлар ва ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмлари тизимини ўз вақтида тарихнинг янги талабларига мос равишда такомиллаштиришга улгурсагина, ўзини ўзи қириб ташлашдан қутулиб қолиши мумкин. Бу эса, хусусан, “улар – биз” модели бўйича ўз-ўзини ташкиллаштирувчи макрогуруҳ маданиятларининг хилма-хиллиги йўққа чиқишини, уларнинг тобора ўсиб бораётган микрогуруҳга оид ва индивидуал маданият шакллари олишини тақозо этади. Ушбу жараёнга компьютер тармоқларининг ривожланиши ва кенг тарқалиши ёрдам бериши мумкин, булар ўз навбатида, инсоний алоқаларни маконга боғлиқликдан халос этади, товар-қиймат муносабатларининг мазмунини ўзгартиради (ахборот ташкил қилувчисининг солиштирма оғирлигини аста-секин ошириш йўли билан), давлат, божхона каби чегараларни ювиб ташлайди ҳамда шу тариқа, давлат, миллат ва бошқа макротузилмаларнинг мавжудлигини анахронизмга (сарқитга, эскиликка) айлантиради.

2.2. Синергетика - маданий муносабатларни янгича тушуниш ва тушунтиришнинг муҳим усули

Синергетика замонавий ахборот инқилоби, инсоннинг фаол қобилиятлари, унинг ижодий сезгилари ва сермахсул ўй-хаёлларини ишга солиши, тарихда фан ва маданият тараққиётининг бориши каби инсон тафаккури ва ижоди билан боғлиқ муаммоларни тушунишда қўллашнинг кенг истиқболли имкониятларини очади. Шунинг учун ҳам бугунги замонавий фан ижтимоий синергетика ёки гомосинергетика йўлини ҳар томонлама ривожлантириш йўлидан бормоқда. Яъни олимлар инсоний қиёфага эга синергетик ғояларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Чунки бугунги кунда инсон ва инсон маданияти феноменини унинг турли-туман кўринишлари билан бирга тушунишга, инсоннинг бадиий ва илмий ижоди, билими, саломатлиги, маълумоти, алоқалари сир-асрорларини очишга, инсон ақлига, шунингдек, унинг нисбатан узоқроқ ижтимоий ва маданий муҳитга киришишига қандай ёндашишни биладиган ва, ҳақиқатан ҳам, ёндаша оладиган синергетик парадигмага катта эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина илмий адабиётларда гуманитар, инсонпарвар синергетика йўлида қатор метаморфозик тасаввурлар, ўй-хаёллар юзага келади. Булар қуйидагилардан иборат: ўз-ўзини ташкиллаштириш ва инсон хулқ-атвори геометрияси йўқотишлари; тарихий ҳодисаларнинг фрактал чизмалари; “кеча – бугун – эрта” ҳар томонлама тасвирланган ментал (ёки ижтимоий-маданий) ландшафтлар; қайтмас ўтмиш ва тўсатдан пайдо бўлган келажак учрашган жойлардаги “бу ерда ва эндиликда”ги вазиятлар, шахснинг когнитив (билиш) карталари; маданий инновацияларнинг “қуюқлашиш” ва “сийраклашиш” манзаралари – буларнинг бари синергетика асосида кириб келган визуал (кўз билан кузатиладиган) тасвирлар бўлиб, улар гуманитар билимнинг ўсиш нуқталари бўла олади.

Шундай қилиб, синергетика табиат ва инсоният дунёсининг турли ходисаларини тушунишга татбиқ этилмоқда. Бундай синергетик ёндашувлар хилма-хил модификациялардан, анча-мунча мавҳумлаштирилган изоҳлардан келиб чиққанлиги учун ҳам уни ҳамма тушунаолмайди. Шунингдек, синергетик билим тизимининг ўзи фақат “синергетик ёндашув” орқали ва сабабли ривожланади.

Ижтимоий-маданий нуқтаи-назардан синергетикани позитив эвристика (ижобий ижодий тафаккур жараёнларини ўрганадиган фан) сифатида, воқелик билан илмий тажриба ўтказиш усули сифатида таърифлаш мумкин. Бироқ бу олдиндан белгиланган натижаларни берадиган восита эмас, балки... табиат ёки инсон воқелиги томон очилган ва жавобларни ана шу воқеликнинг ўзидан кутаётган эшикдир. Дунёга синергетик кўз билан қараш, воқеа-ходисалар ёки феноменларни синергетик нуқтаи назардан талқин қилиш, яна нималар бўлишини кузатишга ҳаракат қилиш лозим. Синергетика шунчаки воқеликни очиш усули эмас, балки воқеликни яратиш усули ҳамдир. У дунёни батамом бошқача кўриш ва ана шу дунёда фаол жойлашиш усулидир. Синергетика эски муаммоларни янгича тарзда кўриш, масалаларни қайта шакллантириш, фаннинг муаммоли майдонини янгитдан қуриш имкониятини очади. Айни шу маънода биз очиқ очизикли муҳитлардаги жараёнларни математик-таҳлилий ҳисоб-китоблар ва компьютерда моделлаштириш асосида қуриладиган экспериментал ёки “қувноқ” синергетика тарафдоримиз. Бу ерда гап олинган билимни эркин ишлатиш ва бу билимни энг турли-туман соҳаларга нисбатан эвристик татбиқ этишга уринишлар ҳақида бормоқда. Чунки синергетикадан нафақат жиддий фан сифатида, балки тажриба ўтказиш, воқелик билан ўйин ўйнаш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси ёки синергетик парадигма И.Пригожин ва И.Стенгерслар кўрсатганидек, инсоннинг табиат билан янги

мулоқотини юзага келтиради¹. У, шунингдек, инсонни ўз-ўзи билан ва бошқа одамлар билан янги мулоқотга чорлайди. Зеро, ночизикли вазият, эволюция йўллариининг бифуркацион (тармоқланиш) вазияти ёки ночизикли муҳитнинг беқарор ҳолати унинг кичик таъсирларга таъсирчанлиги, номаълумлик ва танлаш имконияти билан боғлиқдир. Чунки субъект ўзининг кейинги йўлини танлар экан, у муҳитнинг шахсий, ички хусусиятлари билан аниқланадиган эволюцион йўллардан бирига ва шу билан бирга, ўзи афзал кўрган қадриятларга қараб мўлжал олади. У ўзи учун энг қулай бўлган, айти пайтда, мазкур муҳитда амалга ошириладиган йўллардан бирини танлайди. Шунинг учун синергетикани ночизикли вазиятни ишғол қилишнинг энг яхши усули сифатида баҳолаш мумкин.

Умуман олганда, синергетика неқбинлик (дунёга, ҳаётга умид билан боқиш) билан чамбарчас боғлиқ жараёнларни ўрганувчи ёндашувдир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, дунё тараққиёти жадал ва беқарор бораётган ҳозирги вазиятда синергетик ёндашувдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу – мураккаб тизимларнинг эволюцияси ва коэволюцияси тамойилларини тушунишга, беқарорлик ва хаос, эволюцион тангликларнинг сабабларини очишга, беқарор мураккаб тизимларни ночизикли бошқариш усуллариини эгаллашга оптимистик руҳда уринишдир. Бу жараёндаги асосий муаммо қандай қилиб бошқармасдан бошқариш мумкин, қандай қилиб кичик резонанс таъсир билан тизимни субъектнинг шахсий ва у учун қулай бўлган ривожланиш йўлларииндан бирига силжитиш мумкин, қандай қилиб ўз-ўзини бошқарувчи ва ўз-ўзини сақлаб турувчи ривожланишни таъминлаш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, қандай қилиб хаосни уни бартараф этмай туриб, енгиш мумкин, уни ижодий, мақбул қилиш, инновация учқунларини уйғотадиған майдонга айлантириш мумкин? деган саволларга жавоб топиш ҳам замонавий фан вакиллариининг асосий вазифалари қаторига киради. Дарҳақиқат, узок ўтмишдан қолган хаос

¹ Пригожин И. Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. М `УРСС` 2003. 312с.

олдидаги қўрқув қолипини бузиш, хаоснинг гўзаллиги ва яратувчанлигини кўриш – ахир, бу – *tour de force*, синергетиканинг ҳақиқий жасорати-ку! Кичиклик ва тартибсизлик шунинг учун ҳам гўзалки, улар “янги”нинг дунёга келишига имконият яратади.

Гўзалликни синергетик нуқтаи назардан хаос ва тартиб ўртасидаги оралик феномен сифатида баҳолаш мумкин. Гўзаллик – бу тўлиқ симметрия эмас, балки симметрия(тартиб)нинг муайян даражада бузилишидир. Шунинг учун ҳам “Синергетика вайроналикни креатив (фаол) тамойил сифатида, “вайрон қилиш иштиёқини эса ижодий иштиёқ сифатида”¹ тушунишга ёрдам беради, –деб ёзади М.Бакунин, – бинобарин, фақат аввалгисидан кутилиш, жараёнларни тескари томонга, қарама-қарши тартибга айлантириш орқали, фақат эскининг қолдиқларидангина ўзига диққатни жалб қилувчи бирон-бир янги нарсани куриш мумкин”. Ночизикли (синергетик) вазият – бу воқелик билан ўйин ўйнаш вазиятидир. Бу – физик эксперимент ёки ментал ва экзистенциал ўйин тури, келажакка олиб борадиган турли-туман йўллар ичидаги сарсон-саргардонликдан кутилиш демакдир. Ушбу эволюцион ўйинда энг умумий қоидалардан бўлак ҳеч нарсаси олдиндан белгиланмайди. Бу қоидалар эса мураккаб тизим(муҳит)га хос бўлмаган айрим эволюцион йўлларга қўйилган тақиқлар характериға эга бўлади.

Ночизикли вазиятни субъект тайинламайди ва бошқармайди, балки унинг ўзи ўзини белгилайди ва идора қилади. У табиий вазиятми, бошқа инсон билан ёки ўз-ўзи билан мулоқот вазиятими, бундан қатъи назар, қандайдир тарзда содир бўлади ва субъектнинг ўз-ўзини намоён қилиш имконияти пайдо бўлади. Дунёга ночизикли, ижодий муносабат шу тариқа ўз-ўзини ижод қилиш, ўз-ўзини яратиш имкониятининг очилишини англатади. Бу – ночизикли вазиятга ёки бошқа кишига ўзига таъсир қилиш учун имконият беришдир. Ўзини “бошқа” нарсадан яратишдир. Худди шундай тамойилни биз Поль Валерининг шеърида ҳам учратамиз: “Кимки

¹ Демин В. Н. Бакунин. — М., 2006.

яралган бўлса, ўша – яратувчидир”¹. Дарҳақиқат, синергетикадан “позитив эвристика” сифатида фойдаланиш ўйинга оид онгнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. Синергетик фикр юритувчи киши – бу *homo ludens*, яъни ўйин ўйнайдиган кишидир. Бу ҳолда синергетика интеллектуал йоганинг бир тури сифатида юзага чиқади. У ҳамма нарсани эгилувчан, мулойим, очик, кўп маъноли қилиб қўяди. Синергетик таъсир – бу ўз кучи, ташкил топиш шакллари, қобилияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, секин-аста амалга ошириладиган хатти-ҳаракатдир. Бу рағбатлантирувчи таъсирдир.

Синергетика тирик табиат билан нотирик табиат ўртасида, табиий тизимлар хатти-ҳаракатининг мақсадга яқинлиги билан инсон ақл-заковати ўртасида, табиатда янгининг туғилиш жараёни, “табиат ижоди” билан инсон фаоллиги ўртасида алоқалар ўрнатади. Илмий билим эволюцияси ва маданиятга оид тасаввурларга синергетик ёндашиш имкониятининг ўзини ҳимоя қилиш учун 3 та далилни келтириш мумкин. Булар: биринчидан, фан ва маданиятдаги кооператив, когерент таъсирларнинг ошкора роли; иккинчидан, структуралистик ёндашувнинг серунумлилиги; учинчидан, унинг узок вақт синовдан ўтказилиши ва фан ҳамда маданиятга ахборот ёндашувининг муҳимлигидан иборатдир. Чунки тафаккурнинг фикрларни кенгайтириш муқобиллари ва сценарийларининг мавжудлиги, ментал хатти-ҳаракатларнинг турли-туманлилиги кўринишидаги жиҳатларига айнан синергетик нуқтаи назардан ёндашиш мумкин.

Ижодий тафаккурда муқобилларни, хилма-хилликни, турли кўринишларни хаоснинг аналогияси сифатида кўриб чиқиш алоҳида ижобий, рағбатлантирувчи рол ўйнайди. Ижодий сезгирликнинг дастлабки босқичида, эҳтимол, фаол майдонни имкон қадар кенгайтириш, иложи борича турли-туман билим элементларини қамраб олиш катта аҳамият касб этса, ажабмас.

¹ Поль Верлен. Собрание стихов. (Золотая лирика), пер.с франц.и биограф.очерк В.Брюсова` Минск, Москва Харвест, АСТ 2001. 176с.

Бунда асосий ва асосий бўлмаган, аҳамиятли ва аҳамиятсиз нарсани тенглаштириш, яъни ижодий мақсад олдида билиш қадриятларини радикал баҳолаш ғояни самарали танлашнинг негизи ҳисобланади. Дастлабки ғалаёнли ҳислар инновацион фикрлар пойгасига асос солади. Бунда биринчидан, ижодий фикрлаш ва сезгини ишлатиш механизмини визуал ва хаёлий тимсоллар, ғоялар ва тасаввурларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириши, ўз-ўзини қуриши сифатида баҳолаш мумкин. Ўз-ўзини қуриш механизми, биринчидан, яралаётган “бутун”га йўналганликдан иборат. Қоида (режа, асосий ғоя ёки намуна) эса излашнинг йўл кўрсатувчи чизиғи ролини бажаради. Иккинчидан, хилма-хилликни кўпайтириш, билиш қадриятларини баҳолаш асосида саралаш, “керакмас”ларини олиб ташлаш амалга оширилади. Яширин қоидаларнинг маъноси селектив, филтрловчи характерга эга.

Ижодий тафаккур механизми – бу вариантларни тасодифий териб олиш эмас, балки “бутун”ни ҳосил қилиш учун асосийларини танлаб олишдир. Ўз-ўзини ташкиллаштириш ана шу асосий бўғин атрофида амалга оширилади. Интеллектуал оғзаки ва ёзма ижодиёт хаоснинг когнитив ўхшатмаси сифатида шу пайтгача йиғилган нарсалардан кўпини шафқатсизларча ирғитиш, аёвсиз йўқ қилиш билан боғлиқ. Учинчидан, ижодий тафаккурда ўз-ўзини ташкиллаштириш механизми “бутун”нинг ўз-ўзини қуриш учун, ўз-ўзини йиғиш учун етишмаётган бўғинларини тўлдириш механизми сифатида юзага чиқади. Гештальт-руҳшунослар айтганидек, шунчаки "инсайт қайта қуриш", бутун тузилмани бир лаҳзада ташкил қилиш рўй бермайди. Синергетик моделга мувофиқ, ижодий тафаккур ўзида қисмлардан ана шу қисмларнинг ўз-ўзини мураккаблаштириши натижасида бутун ҳосил бўлишини англатади. Фикрлар ва образлар оқими ўзининг куч-қуввати, имкониятлари ҳисобига ўзини қуради. Тўртинчидан, илмий кашфиёт муаммоли майдонни (масалалар майдонини) қайта қуриш сифатида, билимларни кристалл ҳолатга келтириш (мустаҳкамлаш), тузилмага чиқиш

сифатида талқин қилиниши мумкин. Бундан ташқари, илмий ижодда, қоидага кўра, кристалл ҳолатларнинг анча-мунчаси ўрин эгаллаган.

Умуман олганда, синергетик ёндашув илмий билим ва маданият феноменлари таҳлилига қуйидагича янгиликларни олиб киради:

биринчидан, воқеа-ҳодисаларнинг когерентлиги, боғланганлигининг қарор топиш механизмлари, умумқабул қилинган когнитив хатти-ҳаракат ва тафаккур намуналарининг вужудга келиш механизмларини (зеро, фан ўзида жамоавий корхонани ифодалайди, унда у ёки бу ижтимоий гуруҳда жамоа фикрини шакллантириш каби кооператив, корпоратив таъсирлар ўзини намоён қилади) ёритишга хизмат қилади;

Иккинчидан, хаос ўхшашликларининг, билим ва тажриба элементларининг хилма-хиллигининг ролини, шунингдек, когнитив тизимлар барқарор ва серунум ишлаши учун талайгина ментал муқобилларни синовдан ўтказишнинг роли, илмий билим ва илмий ахборотнинг жадал ўсиш жараёнларини, blow-up regimes тартибларини, шунингдек, илмий муҳитда бир-бирини тўлдириб турувчи икки тартибнинг навбатма-навбат алмашиниши, яъни: бир томондан, жараёнларнинг жадал ривожланиши ва локаллашуви, иккинчи томондан, уларнинг секинлашуви, фаоллигининг пасайиши ва “тарқалиб кетиши”ни асослайди;

Учинчидан, эволюцион жараёнларнинг очиқлиги ва олдиндан детерминаллашган элементларнинг нисбатлари, мураккаб, иерархик ташкилланган ва “турли ёшдаги” индивидуал онг тузилмалари, шахс ва жамоанинг билиш фаолияти (олимнинг онг ва онгости тизимлари; одатда, бир нечта авлодлар вакиллари қамраб олган илмий мактаблар; интуитив билимлар қатламини, айтайлик, Арасту физикасига яқин бўлган замонавий инсон хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги интуитив тасаввурлар, халқ фани, институтлашган фан, шунингдек, бугунги кунда белгиланган ва тушунса бўладиган қатлам доирасига сиғмаётган паранормал билимни ўз ичига олган мураккаб тизим сифатидаги фан) коэволюциясининг конструктив

механизмлари, топологик жиҳатдан тўғри ташкиллантирилган резонанс таъсирлар ёрдамида онг ва билимнинг очизикли тизимларини самарали бошқариш имкониятларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Хуллас, фан ва маданиятнинг тарихий тараққиётини синергетик нуқтаи назардан ўрганиш ривожланишнинг қатъиян очизиклилиги ва циклик характерга эгалиги, ривожланиш суръатларининг бир маромда эмаслиги, фан ва маданиятда “инновацияларнинг қуюқлашиши” (яъни, “бирдан истеъдоднинг юзага чиқиши”) ва “инновацияларнинг сийраклашиши” даврларининг навбатма-навбат ўрин эгаллаши, фан ва маданиятда парадигмал онг кучи ҳамда архаик элементларнинг қадр-қиммати тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқади. Ўз навбатида маданиятни синергетик жиҳатдан таҳлил қилиш макон ва замонга доир кескин фарқларни йўқ қилади, бу ерда у йўқотилган, ярим унутилган, тарихда қолган барча нарсаларга “бу ерда ва эндиликда” мақомини беришга интилаётган постструктурализм ва постмодернизмга яқинлашади.

III. БОБ. СИНЕРГЕТИКА ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАДРИЖИЙ ЙЎЛИ

3.1. Фуқаролик жамиятини тадқиқ этишга синергетик ёндошув

Ахборотлар асри бўлган ҳозирги даврда жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни реал баҳолаш учун фалсафий қонуниятларга таяниш керак бўлади. Синергетика жамият тараққиётидаги, табиат-даги оралик ҳолатларни ўрганади. Бу тафаккур услуби “... система-ларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, ҳозирги замон назарияси, нозизиқли ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналишдир”¹. Синергетика тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат ўртасидаги қонуниятга таянади.

Ўтган асрда беқарорлик ҳодисасига эътибор берилмай, асосан фан барқарорликни ўрганди. Эндиликда беқарорлик ҳолатини ўрга-нишга киришилди. Беқарорлик борлиқнинг муҳим жиҳатидир. Масалан, дунёнинг яралишида ҳам дастлаб тартибсизлик, хаос бўлган. Сўнг эса барқарорлик ҳолати пайдо бўла бошлаган. Бу ҳолат физик мутахассислар томонидан соат маятникнинг ҳаракати мисолида тушунтирилади. Агар маятник тўхтатилса, у дастлабки барқарор ҳолатга қайтади, агар тўхтатиб қўйилса у ё ўнг томонга, ё чап томонга оғиб туради².

Синергетикани турли фанларга, жумладан, ижтимоий фанларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Масалан, тилшунослар лингвистик бирлик-ларни ўрганиб, уларни марказий ва чегара ҳолатларга ажратадилар. “Чегара ҳолатдаги лисоний бирликларда икки қутбий бирликларга хос хусусиятлар аралашган, туташган бўлади”.³ Хусусан, фонологик сатҳ-да унлиларнинг оғиз очилиши даражасига кўра тор ва кенг унлиларга тасниф қилинади.

¹ Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 284-б.

² Кўрсатилган асар, 285-б.

³ Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. –Т.:Шарқ, 2001. – 52-б.

Уларнинг оралиғида кенг ҳам, тор ҳам бўлмаган ўрта кенг, ўрта тор унлилар мавжуд. Ёки сўз туркумлари доирасида ҳам мустақил сўз туркумлари ҳам ёрдамчи сўз туркум-ларининг хусусиятларини ўзида қисман акс эттирувчи, бироқ алоҳида гуруҳни ташкил этувчи сўзлар гуруҳи бор¹.

Сўз санъати бўлган адабиёт тараққиётида дастлаб синкретизм кузатилади. XX аср бошларида яратилган бадиий асарларда ҳам у ёки бу жанр белгиларини ўзида мужассамлаштирган, лекин ҳеч қайси жанрга тааллуқли бўлмаган асарлар учрайди. Масалан, Абдурауф Фитратнинг “Мунозара” асари айрим адабиётшунослар томонидан қисса ёки драма, публицистик асар, роман деб белгилаш ҳолатлари мавжуд. Кўринадики, оралиқ ҳолатлар адабий тур ва жанрлар соҳа-сида ҳам учрайди.

Глобаллашув жараёнида беқарорлик ҳолатларини кўплаб қайд этиш мумкин. Тараққиёт суръатининг жадаллашуви мамлакатга турли маданият шакллариининг кириб келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса шарқ маданияти ва ахлоқ меъёрларига таъсир этмоқда. Маълумки, синер-гетика объекти бўлиши учун тизим очик, яъни ташқи муҳит билан модда ёки энергия ёки информация алмашинуви бўлиб туриши керак². Демак, оралиқ ҳолатларнинг кўп кузатилиши очик система бўлган тил, адабиёт, маданият ва шу каби ижтимоий фанлар соҳалари доирасига тааллуқли.

Ўтиш даврида жамиятимизнинг барча соҳаларида кутилган ва тасодифий ҳодисаларнинг рўй бериши муқаррар. Чунки ахборот алмашинувининг тезкорлиги, глобаллашув жараёнининг таъсири шу ҳолатга олиб келади. Бундан ташқари “ҳар қандай жамият эски тизим-дан янги тизимга ўтар экан, даставвал беқарорлик, хаос юз беради”³. Маданият соҳасидаги тартибсизлик, беқарорликни ўзгариш жараёнида олдиндан билиш муҳим аҳамият касб этади. Ғарб мамлакатларидан турли маданият шакллариининг тарқалиши натижасида салбий ҳолатларнинг юзага келиши хаосни пайдо қилади.

¹ Кўрсатилган асар, 53-б.

² Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. –Т.: Шарқ, 2004. - 286-б.

³ Фалсафа. (Э.Ю.Юсупов раҳб. остида). – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 124-б.

Синергетик ёндашув асосида тартибсизлик ҳолатини таҳлил этиш мумкин. Чунки на ғарб маданияти, на шарқ маданиятига тўғри кел-майдиган, улардан қисман ўзлаштирилган ахлоқ меъёрлари натижа-сида маданиятсизлик вужудга келиши табиий. Ҳатто эътиқод бора-сида ҳам шуни айтиш мумкинки, беқарорлик ҳолати салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Шуни қайд этиш муҳимки, жамиятдаги соҳаларнинг тараққиёти, умуман тараққиёт тартибсизлик (хаос) туфайли амалга ошади. Синер-гетика кўпгина тизимларнинг ривожланишда нозиклиги моҳиятини тадқиқ этади. Демак, ижтимоий фанлардаги турли хил муаммоларни ҳал этишда синергетика тамойиллари асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, “фуқаролик жамияти” тушунчаси янги жамият қуришнинг намунаси сифатида дунёдаги барча мамлакатлар халқларида қизиқиш уйғота бошлади. Шунингдек, фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш, ўрганишда янгича усуллардан фойданишни тақоза этмоқда. Бу жараёнда барча фанлараро тадқиқот усули сифатида киритилаётган синергетика таълимотидан кенг фойда-ланилмоқда.

Синергетика назариясига кўра, ривожланиш жараёни ўз ичига дивергент (кўп хилликнинг кўпайишини) ва конвергент интилишни (ўралишини) қамраб олади. Бу жараёнда мукамал тизимларни тўғри бошқариш – бу уларга қандайдир имкон беришдан иборат бўлади. Таъсир ўтказмаслик айрим ҳолларда тизимни ҳаракатга чорлайди.

Фуқаролик жамиятини ҳам мураккаб тизим бўлиб уни ташкил этган сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг фаолияти учун шароит яратиш, ўзгариш жараёнларини синергетик жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамият ва унда яшаётган инсонни, унинг ҳаёти ва тақдири масалаларини таҳлил этиш жараёнида синергетика ҳар қандай тизим ривожининг асосий шарти сифатида бу тизимнинг очик бўлиши, яъни атроф-муҳит билан модда ёки информация алмашилиши кераклиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Ушбу ғоя француз файласуфи Анри Бергсоннинг очик жамият ҳақидаги ғоялари билан уйғундир. Бергсон-нинг «ёпиқ» жамият «статик» (турғун) ахлоқ ва дунёқарашга, «очик» жамиятни эса «динамик» (ўзгарувчан) ахлоқ ва дунёқарашга ас осла-ниши ҳақидаги таърифида ушбу уйғунлик янада яққол кўринади¹.

Бергсоннинг фикрича, биринчи типдаги «ёпиқ» жамият фақат-гина кишилиқ жамиятини эволюцион тур сифатида сақланишига хизмат қилса, «очик» жамият эса инсониятнинг кейинги эволюциясига йўналтиради. Биринчи турдаги жамият боши берк кўчага кирса, иккинчиси ҳаёт жараёнларининг узлуксизлигига олиб келади.

Г.Хакен фалсафасида динамик жамиятнинг ҳаётйилиги ҳақидаги қарашлар илгари сурилган². Шу маънода, фуқаролик жамиятни таҳлил этишда синергетик ғояларнинг аҳамияти катталигини тан олишимиз керак. Лекин, фуқаролик жамияти ҳаётига синергетик методни тўғридан-тўғри қўллаш қийин. Бунда фуқаролик жамият ҳаётининг бениҳоя мураккаблиги, ўзига хослиги, айниқса, инсон интеллекти руҳият дунёси билан боғлиқлиги каби ҳодисаларга эътибор бериш зарурияти муҳим аҳамиятга эгадир. Синергетик методнинг ижтимоий жараёнларга қўлланилишини кўриб чиқишда машҳур олим, академик Н.Н.Моисеев ижодига таяниш мумкин. У бозор иқтисодиётининг шаклланишини одамлар ижтимоий ҳаётидаги тасодифий ҳодиса эмас, балки одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ва савдо (айирбош-лаш) соҳасида ўз-ўзидан ташкил бўлиш умумий тамойилларининг амалга оширилиши деб таърифлади³.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий-сиёсий муносабатларни таш-кил этувчи жамиятни бошқаришга хизмат қилувчи ижтимоий муно-сабат субъектлари ёки бўлмаса бошқача қилиб айтганда, ижтимоий тизим элементлари кўплиги ва уларнинг фаолияти самарадорлиги муҳим омил

¹ Интернет сайт: <http://ru.philosophy.kiev.ua/iphras/library/arshinov/glava4.html>

² Қаранг: Хакен Г. Синергетика. - М., 1980. -С.155.

³ Қаранг: Моисеев Н.Н. Судьба цивилизации. Пути разума. - М., 2000. -С.253.

ҳисобланади. Бунга бизлар энг аввало, ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлган шахсни, фуқароларнинг иродаларини намоён этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларни, ҳаракатларни, муҳолифат, лобби гуруҳлари, ўз-ўзини бошқарувчи органларни, пар-тияларни ва албатта давлатни киритиб ўтишимиз мумкин. Ўз ўрнида фуқаролик жамияти инсон манфаатлари, унинг эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қилар экан, барқарор ташқи иқтисодий алоқа-ларга, янги ахборот ресурсларига эҳтиёж сезади, бу эса эркин ташқи – иқтисодий алоқалар ва тезкор ахборот алмашинувига асосланган сиёсатни талаб қилади.

Айнан мана шу хусусиятлар фуқаролик жамияти мавжудлиги ва унинг раванқ топиши учун ҳам хосдир. Бу борада синергетик тамойилларнинг ўзига хос кўринишини К.Поппер ижтимоий билиш назариясининг муҳим тушунчаларидан бири ва «фуқаролик жамияти» билан боғлиқ бўлган «очик жамият» тушунчаси орқали очиб беришга ҳаракат қилади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши маълум даврий кетма-кетликни, циклик тартибни талаб этиб, бу юқорида кўрсатиб ўтилган ижтимоий тизим элементларининг шаклланиши, етилиши билан, иқтисодий базиснинг мустаҳкамланиши билан боғлиқ. Циклик тартиб - жараёнлар кетма-кетлиги, даврий айланиши, босқичлар ўртасидаги алоқалар уйғунлигини англатади. Цикллар узвийлиги ва тадрижий-лигини бузишга ҳаракат қилиш тартибсизликларни келтириб чиқа-ради, яъни жамиятда энтропия жараёнларнинг авж олишига олиб келади.¹

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, синергетик тадқиқида фуқа-ролик жамиятини янги муносабатларни фалсафий таҳлил қилишга ҳаракат қилувчи, илмий йўналиш сифатида ўзини намоён этмоқда. Синергетиканинг энг муҳим жиҳати шундаки, у ижтимоий ва ўз-ўзини бошқарувчи тизимлар

¹ Мадиримов Р.М. «Инновацион жараёнларда энтропийлик ва негэнтропийликнинг намоён бўлиши», «Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи» Республикаси илмий-амалий конференцияси материаллари. - Самарқанд, 2007. - Б.32-37.

соҳасида фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи олимлар изланишларини маълум бир йўналишда бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

3.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг фалсафий-синергетик таҳлили

Ҳозирда бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланиб, жаҳон цивилизациясида ўз ўрнини топишга йўл олган мустақил Ўзбекистондаги жараёнларни янги илмий концепцияларга суянган ҳолда таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода биз синергетика соҳасидаги билимларнинг комплекс тизими нафақат, дунёни яхлит тушунишнинг ривожланишига, балки жаҳон иқтисодий тизимини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам бериши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Глобаллашув жараёни ҳозирда нафақат молиявий-иқтисодий тизимни, балки маънавий, ижтимоий ва сиёсий ҳодисаларнинг, ҳатто ижтимоий-психологик, ижтимоий-маънавий муносабатларнинг тобора интеграллашиб боришига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу маънода бундай глобаллашув ва интеграллашув жараёнларни янгича тафаккурга асосланган равишда тушуниш ва тушунтириш устувор масалага айланиб бормоқда.

Синергетика нафақат ўзида табиатшунослик муаммолари балки, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги ўз – ўзини ташкил қилиш янги, тизимнинг вужудга келиши қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган парадигмадир.

Иқтисодий характерга эга бўлган ўз-ўзини ташкил қилиш деганда синергетика нуқтаи назаридан мураккаб ва беқарор нозичикли иқтисодий тизимни ташкил топиш жараёни тушунилади. Бу иқтисодий тизим ривожланиш жараёнида мувозанат ҳолатидан узоқлашади. Бу ҳолатни синергетикада бифуркация нуқтаси деб аталади. Бунда иқтисодий тизимнинг ҳолати қалқиб турувчи, турғун эмас бўлиб қолади. Мана шундай даврда алоҳида олинган тасодиф ҳам, кучли бўлмаган таъсир ҳам, ҳозирги жаҳон

молиявий-иқтисодий инқирозига ўхшаб бу тизимнинг ҳолатини ўзгартириб юборади. Бу ҳолат флуктуация деб аталади. Бу ҳолатдан сўнг система эволюцияси қайси йўлни танлаши номаълум бўлиб қолади. Юқорида қайд этилганидек тасодифий таъсир аниқлайди. Бифуркацияда – янги спонтан тартиб юзага келади. Унга кўра, спонтан тартиб дегани – системанинг ўзига хос ички сабаб ва омиллари туфайли юзага келадиган тартиб тушунилади. Бу ҳолат эса юзага келган ёки содир бўлиш эҳтимоли бўлган муаммоларни таҳлил қилиш имконини беради.

Жаҳон иқтисодий тараққиёти ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий интеграция ривожланишининг қонуний натижаси бўлиб, унинг ҳозирги босқичида инқирознинг содир бўлиши ва бу жараён билан боғлиқ оламшумул муаммолар кўламини кенгайтириш флуктуацион (тасодифий) характерга эга бўлди. Пригожин мактаби ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, флуктуациялар орқали структуравий барқарорлик ва тартиб тушунчаларини турли системаларга, шу жумладан иқтисодий системаларга нисбатан қўллаш мумкин экан¹. Баъзи халқаро миқёсидаги иқтисодий ташкилотларининг хулосаларига кўра, долзарблиги жиҳатидан, молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш муаммоси глобал муаммолар билан бир тартибда турадиган энг муҳим вазифа, деб эътироф этилмоқда. Чунки, 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо берар экан, кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ аксарият масалаларни прогноз қилишга қийналмоқдалар.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг деярли барча мамлакатларига зарба берди ва тобора чуқурлашиб бориб, ишлаб чиқариш пасайишига, ишсизлик кучайишига, аҳоли турмуш даражаси ёмонлашувига олиб келмоқда, унинг кўп жиҳатларини олдиндан билиб

¹ Қаранг: Пригожин И., Стенгерс И.. Порядок из хаоса. - М.: Мир, 1990.

бўлмайди. Бундай муаммолар кўламини кенгайтириш хаоснинг конструктив эмас, балки деградацион характерга эга бўлганлигидан далолат беради. Шу маънода, Президент Ислам Каримов “Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат”¹ деб ёзади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзида аттрактор (ўзига тортиш) хусусиятини мужассамлатирган. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда чиқиш учун биринчи навбатда барқарор ва кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш устувор аҳамиятга эга. Масалан, Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт соҳасида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатларининг молиявий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунини жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Чунки, бу тизим шарт-шароитини олдиндан айтиб бериш мумкин эмас. Яъни, у бифуркацион (бўлинувчан) ва диссипатив (мураккаб тузулма) характерга эга. Айни пайтда бу нозикли жараёнлар халқаро майдондаги хаосни кучайишига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро миқёсида иқтисодий потенциалини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади. Синергетика айнан бугунги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутларнинг, беқарор ҳолатларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда инқирознинг кескин фарқланиши каби ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Маънавият, 2009. – Б. 4.

Мазкур жараёнларининг яна бир муҳим жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода ночизиқли характерга эга бўлган глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқироzi оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини муқобил характерга эга бўлган синергетик парадигма нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда миллий манфаат, иқтисодий фаоллик ва масъулиятнинг устиворлигини таъминлаш муҳим масалалардан ҳисобланади. Лекин, шу эҳтиёж ва манфаатларнинг чизиқли тафаккур асосида эмас, балки ночизиқли тафаккур асосида таҳлил қилиш устувор аҳамиятга эга. Зеро, молиявий-иқтисодий муносабатларни интенсив ёки экстенсив ривожлантиришнинг моҳияти айнан беқарорлик вазиятида намоён бўлмокда.

Хуллас, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишнинг зарурияти турли доирадаги илмий концепцияларга таянган ҳолда иш тутишни талаб қилмокда. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай давлат миқёсида бу муаммоларни олдини олишга қаратилган муқобил концепцияларни ишлаб чиқиш устувор аҳамиятга эга. Мазкур ғояларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, уларнинг методологик асосини яратиш, янги сифатий хусусиятларини таҳлил қилиш, фундаментал назарий муаммо сифатида ўрганиш масаласи файласуфлар олдида ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

ХУЛОСА

Жаҳоннинг мафкуравий манзараси ўзгараётган бугунги кунда ҳар-хил сиёсий кучлар ва марказлар томонидан глобаллашув турли хил талқин қилинмоқда. Масалан ғарб назариётчилари талқинида, глобаллашув ғарб капитализмини тараннум этаётган бутун жаҳон инқилобидир. Ҳақиқатдан, дунё инқилобий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Аммо бу ўзгаришлар “ғарбча глобаллашув” жараёнида “тепа”дан бошқарилиш хусусиятига эга бўлмоқдаки, дунёни ана шундай ягона марказдан бошқариш, яъни биркутблилик тарафдорлари (синергетика тушунчалари) орқали Ер куррасида содир бўлаётган жараёнларни “янгича” талқин қилишга уринмоқдалар. Масаланинг мураккаб томони шундаки, синергетика феномени глобаллашувни ўзгача тушинтиришга ҳаракат қилувчилар томонидан Ер биосфераси, универсум космос эволюцияси ва ҳаракатнинг ижтимоий шаклини объектив талқин қилувчи назариядан фарқли ўлароқ, бутунлай бошқача дунёқарашни ўзида мужассамлаштирган йўналиш тарзида тасвирланмоқда. Аслида умумилмий соҳа бўлган синергетика мураккаб ривожланаётган тизимларнинг ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини бошқариш, нозиклиқли ҳодисаларни талқин этиш масалаларини ўрганади ва ҳеч қандай ғоя ёки мафкурага хизмат қилмайди.

Глобаллашувни ўз манфаатлари асосида талқин қилувчи ғарб назариётчилари фикрича, ҳозиргача мавжуд бўлган барча фалсафий қарашлар эскирган ва эндиликда дунё фақат биркутбли бўлиши муқаррар эмиш. Бундан келиб чиққан ҳолда, мазкур назария тарафдорлари томонидан миллий давлатларнинг йўқолиб бориши ва улардаги маданий ўзликнинг сўниши-табiiй ҳол эканлиги илгари сурилмоқда. Инсоният ҳозирги глобаллашув жараёнида мураккаб иерархик, яъни пиллапояли тизимни ташкил қилмоқдаки, бунда АҚШ, Ғарб - жаҳон капиталистик ҳўжалигининг марказида бўлиб, бошқа давлатлар ана шу пиллапоянинг пастки

поғоналарида турган вассалларга айланиб бормоқда. Охирги ўн йил ичида ғарб цивилизацияси ўзининг замонавий тараққий қилган жамият бўлиш йўлида катта сакрашларни амалга оширмоқда. Натижада, ривожланган ва эндигина ривожланаётган мамлакатлар орасидаги фарқ шу даражада ошиб кетдики, уни нафақат бартараф этиш, қисқартириш ҳам эхтимолликдан йироқ бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда жаҳондаги аҳолининг 14 фоизини ташкил қилувчи ривожланган мамлакатлар жаҳон ресурсларининг 70 фоизини истеъмол қилар экан. Демак, ушбу давлатлар ўз эҳтиёжларини қондириш учун кўшимча захиралар изламоқдалар ва бундай захиралар жойлашган ҳудудларни ўз таъсир доирасига олишга интиломоқдалар, яъни улар ўзларининг иқтисодий, энергетик муаммоларини кам тараққий қилган мамлакатларни замонавий усуллар орқали эксплуатация қилиш эвазига хал қилишга уринмоқдалар. Бу эса синергетика қонунларига биноан ноғарбий маконларда ўз-ўзини ташкил қилиш даражасининг пасайишига, шунингдек, уларнинг қашшоқлашувига ва архаизациялашуви, яъни тараққиёт даражаларининг ҳозирги замон талабларига жавоб бера олмайётган маконларга айланишига сабаб бўлмоқда.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “...айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас¹”.

Ушбу масалага синергетик ёндашишда Ғарб таклиф қилаётган “тараққиёт йўли”дан фарқли, инсоният ривожланишининг муқобил йўлларини ҳам кўрсатиш мумкин. Бунда субъектларнинг бошқалар эвазига юксалиши эмас, балки замонавий технологияларга асосланган ўз миллий

¹ Каримов И. А. Юсак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. –Б.16.

хўжалигига эга бўлган бир неча ижтимоий тизимларнинг бир вақтнинг ўзида тараққиёти кузатилади. Шу аснода кўпқутбли дунё манзараси вужудга келадики, бунда синергетика тушунчаларидан бири бўлган бифуркация феномени, яъни динамик тизимлар параметрлари ўзгариши туфайли, уларнинг янгича сифат касб этиши кузатилади.

Инсон–табиат муносабатларидаги беқарор ҳолатларнинг барқарорликка ўтиши бевосита иккинчи, яъни, онглилик, ҳамда учинчи – ондан юқори ҳолатларга бевосита алоқадордир. Бундан ташқари фикр юритилаётган муаммони ҳал этиш борасида инсон фаолиятидаги объектив ва субъективлик, табиийлик ва сунъийлик орасидаги диалектик муносабатлар ҳам пировард оқибатда ўзига хос мақом касб этади. Чунки инсон ва табиат муносабатларидаги объективлик билан субъективлик, ҳамда табиийлик билан сунъийлик орасидаги мавжуд бўлган зиддиятлар экологик беқарор ҳолатлар кенг қулоч ёйишига сабаб бўлди. Бу муаммоларнинг тўла ҳал этилмаганлиги фанлараро илмий билимлар синтезининг меъёр даражада эмаслиги, айрим билим соҳаларининг бошқа соҳалар билан интеграция даражаси юқори даражада эмаслигидир. Бизнинг фикримизча, беқарорликни иерархик тарзда материя ривожининг энг қуйи босқичлари билан боғлиқ микрозаррачалардан бошлаб, макро босқич даражасига кўтарилиш асосидагина ҳал этиш мумкин бўлади. Шунинг билан бир қаторда уни структуравий ва функционал нуқтаи-назардан ҳам таҳлил этиш беқарорликнинг фанга номаълум бўлган кўп жиҳатларини асослашда ўта муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Чунки фикр юритилаётган тушунчанинг ички структурасини ўрганибгина ундаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида фикрга эга бўлиш мумкин. Тушунчанинг турли жиҳатлари орасидаги муносабатлар – пировард оқибатида бир бутун объект бўлган беқарорлик ҳақида маълумотлар беради. Беқарорлик замиридаги турли ҳолатлар орасидаги муносабатлар унинг бир бутун система сифатидаги моҳиятини белгилаб беради.

Ўз навбатида бу муносабатларнинг координация ёки субординациянинг амалга ошуви орқали беқарорлик ҳақида шаклланган янгича билимлар тизими табиат ва жамиятдаги, қолаверса инсон ҳаётини барқарорлигини таъминлаш билан, қолаверса инсоннинг ҳозирги ва келажагига алоқадор бўлган янги уфқлар очади. Шу асосда оптимизм фалсафаси билан боғлиқ бўлган янгича ҳолатлар вужудга кела бошлайди. Президентимиз И.А.Каримов томонидан амалга ошириб келинаётган изчил сиёсатнинг моҳияти ҳам асосан ва бевосита методологик маънода мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилганининг ўзи ҳам ўз навбатида бу масалага устувор вазифа деб қаралаётганлигининг қонуний ифодасидир. Фикримизнинг исботи сифатида Президентимизнинг 2008 йилдаги чоп этилган маънавий барқарорликни таъминлашга бағишланган “Юксак маънавият – енгилмас куч”, ҳамда 2009 йилда чоп этилган иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” каби асарларни келтириш мумкин.

Аксиологик маънода беқарорликни тўла маънода ҳал этиш, миллий ва умуинсоний қадриятлар диалектикасига чуқур эътибор қаратишни шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга устувор масала сифатида қараш зарурлигига эътибор жалб этади. Умуминсоний қадриятлар орқали жаҳон миқёсида эзгулик, бунёдкор ғоялар яратиш замирида ўзига хос амалий ҳамкорликни йўлга қўйилиши, ўзаро манфаатли муносабатлар орқали ягона иқтисодий маконни қарор топтиришга қаратилган қарорлар пировард оқибатида беқарорликдан барқарорликка ўтишни таъминловчи ўзига хос босқичлардир. Тарқоқликдан яхлитлик сари интилиш турли мамлакатлар ва халқлар орасидаги амалдаги интеграцияни янги босқичга кўтарилиш глобал даражадаги фикрлаш ва режалаштириш ишлари пировард оқибатида беқарор ҳолатларни бартараф этишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
2. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда партиялар ролини янада кучайтириш тўғрисидаги Қонун. 2006 йил 8 ноябрь. // ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Тошкент, 2006. – № 11. – Б. 75.
3. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – Б. 20-29.
4. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1993 йил 2 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1993. – № 9. – Б. 23-29
5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 й. 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – Б. 30.
6. “Обод турмуш йили” давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 80 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
10. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.

11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. – Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 342 б.
13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
16. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. – Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
17. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
18. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
19. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
20. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
21. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
22. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 368 б.

23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
24. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009.– Б. 29-65.
25. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. –Т.: Ўзбекистон, 2010.– Б. 280.
26. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Т.: Ўзбекистон, 2011.– Б. 360.
27. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. –Т.: Ўзбекистон, 2012.– Б. 320.
28. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
29. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
30. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 280 б.
31. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1993. -Б. 160.

32. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, 1-жилд. -Т.: Фан, 1968. -486 б.
33. Анищенко В.С. Сложные колебания в простых системах. – М.: Наука, 1990. - 312 с.
34. Аршинов В.И. Синергетика как феномен постнеклассической науки. – М.: ИФРАН, 1999. – 203с.
35. Баранцев Р.Г. Синергетика в современном естествознании. Серия "Синергетика:от прошлого к будущему" М.: Изд Едиториал УРСС. 2003.
36. Бергсон А. Творческая эволюция.М., СПб. 1994, с.21.
37. Бозоров Д. Синергетик парадигма., “Тафаккур” нашриёти, Тошкент-2010. Б.106
38. Буданов В.Г. Методология синергетики в постнеклассической науке и в образовании. Изд.3, доп. 2009. - 240 с.
39. Винер Н. Кибернетика, или Управление и связь в животном и машине. / Пер. с англ. И.В. Соловьева и Г.Н. Поварова; Под ред. Г.Н. Поварова. – 2–е издание. – М.: Наука; Главная редакция изданий для зарубежных стран, 1983. – 344 с.
40. Герасимова И.А. Визуальный образ (Междисциплинарные исследования). 2008. 248 с.
41. Гирко Л.В. Социальное пространство: Междисциплинарные исследования. 2003. - 200 с.
42. Губогло М.Н. Междисциплинарные исследования в контексте социально-культурной антропологии. 2004. 406 с.
43. Давронов З. Илмий ижод методологиси. Тошкент . 2006. 139б
44. Давронов З. Фалсафа., Тошкент. 2006. Б.286
45. Добронравова И.С. Синергетика: становление нелинейного мышления. – К.: Лыбидь, 1990. – 149 с.
46. Дубнищева Т.Я. Концепции современного естествознания:

- учеб. пособие для студ. вузов / Татьяна Яковлевна Дубнищева. – 6–е изд., испр. и доп. – М.: Издательский центр "Академия", 2006. – 608 с.
47. Евин И.А. Искусство и синергетика. – М.: Едиториал УРСС, 2004 – 164 с.
 48. Егоров В.С. Рационализм и синергизм. – М.: Изд-во “Советский спорт”, 1996. – 308 с.
 49. Зеленов Л.А., Владимиров А.А., Степанов Е.И. Современная глобализация: Состояние и перспективы. 2010. - 304 с.
 50. Ибн Сино. Изб. Филос. Произведения. -М.: Наука, 1980. – 478 б.
 51. Колесников А.А. Синергетические методы управления сложными системами: теория системного синтеза. 2006. - 240 с.
 52. Коржуев А.В., Самойленко П.И. Категория «сущность» в научном познании - междисциплинарный контекст: физика, математика, биофизика. 2000. –144 с.
 53. Красиков В. И. Экстрим. Междисциплинарное философское исследование причин, форм и паттернов экстремистского сознания. М.: Водолей Publishers, 2006. - 496 с
 54. Мирский Э.М. Междисциплинарные исследования и дисциплинарная организация науки. 1980. - 304 с.
 55. Носов Н. Виртуальная психология. Междисциплинарные исследования. 2000. - 432 с.
 56. Толибов.М, Табиий фанлар ва фалсафа., Тошкент. Фан.,2006.
 57. Томпсон П. Голос прошлого. Устная история. 2003. - 368 с.
 58. Хакен Г. Информация и самоорганизация: Макроскопический подход к сложным системам. – М.: КомКнига, 2005. 248 с.
 59. Хакен Г. Синергетика. – М.: Мир, 1980. 404 с.

60. Хакен Г. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. – М.: Мир, 1985. 423 с.
61. Хакен Г. Тайны восприятия. Синергетика как ключ к мозгу. – М.: Ижевск: Институт компьютерных исследований, 2002.
62. Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М.: Ижевск: Институт компьютерных исследований, 2003. – 320 с.
63. Хошимова И.С. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар диалектикаси. Т., 1986. Б.102.
64. Шермухаммедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. 2005.
65. Шермухаммедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005.
66. Шустер Г. Детерминированный хаос. Введение: Пер. с англ. – М.: Мир, 1988. – 240 с.
67. Эшметов Н. Дивлектика возникновения и развития междисциплинарных наук. –Т.: Фан, 1986.
68. Фалсафа асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.–Б.382.
69. Фалсафа. Қомусий луғат. - Тошкент: Шарқ, 2004.–Б.494.
70. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. - Т.: Шарқ, 2004.
71. Методологические проблемы истории философии и общественной мысли.– Москва, 1977. – 358 с.
72. Социокультурное пограничье как феномен мировых и российских трансформаций. Междисциплинарное исследование. – М.: Либроком, 2008. - 504 с.
73. Классика и классики в социальном и гуманитарном знании. М. НЛО 2009г. 536 с.
74. Этнос науки. `Ин-т философии РАН, Ин-т истории естествознания и техники им. С.И. Вавилова. Отв. ред. Л.П.

- Киященко и Е.З. Мирская. М. Academia 2008. 544 с.
75. Ҳозирги замон фанида имконият муаммолари. Тошкент. Фан .1999. Б.114.
 76. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Янги аср авлоди, 2001.80 б.
 77. Аршинов В.И., Буданов В.Г. Синергетика на рубеже XX — XXI веков /Под ред. А.И.Панченко. - М., 2006. - 217 с.
 78. Гленсдорф П., Пригожин И. Термодинамическая теория структуры устойчивости и флуктуаций. Пер. с англ./ Под ред. Чизмадзе Ю.А. – М.: Мир, 1973. – 280 с.
 79. Сарвилина И., Каркищенко В., Горшкова Ю. Междисциплинарные исследования в медицине. 2007. - 368 с.
 80. Старостенков Н.В., Шилова Г.Ф. Российская цивилизация в социальном измерении: Методология социально-гуманитарного знания. 2008. - 200 с.
 81. Назаров М.М., Папантиму М.А. Визуальные образы в социальной и маркетинговой коммуникации: Опыт междисциплинарного исследования. 2009. - 216 с.
 82. Малинецкий Г.Г., Коротаев А.В. Проблемы математической истории: Основания, информационные ресурсы, анализ данных. 2009. - 256 с.
 83. Мосейко А.Н., Следзевский И.В. Социокультурное пограничье как феномен мировых и российских трансформаций: Междисциплинарное исследование. 2008. - 504 с.
 84. Алиева К.М., Тишин А.И., Иманакунов Б.И. Философия, химия, синергетика: к исследованию проблемы сложности / ИФиП НАН КР им. Ж. Баласагына. – Б.: Илим, 2002. 99 с.